

# Ծոծրանի Լոճ Մըսու

736  
8-735  
1414



736  
8-736  
и-14

9

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖУМЎУРИЯТ ЎҚУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ

АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ

# БОБУРИЙЛАР МЕРОСИ

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор  
*Алибек Рустамов*

02195

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToʻshDOʻTAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

8722

Тошкент — «Меҳнат» — 1993

1993 йилнинг февраль ойда буюк давлат арбоби, шоир ва олим, наср мулкининг султони миллий энциклопедиянинг бошқарувидаги «Бобурнома» кенги кенг нишонланади.

Ушбу китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми «Бобурийлар яратган боғлар» деб аталади. Унда бобурийларнинг боғроғлар яратиш санъати ҳамда шаҳарларни ободонлаштириш бобидаги хизматлари ёритилади. Китобнинг иккинчи қисмида «Бобурнома» хусусида сўз боради. Якунловчи қисмида эса бобурийлар яратган машҳур меъморчилик обидалари — Тожмаҳал, Қизил Қалъа, Жоме масжид ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юрғларида Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда фойдаланиш тавсия этилган мазкур китоб кенг ўқувчилар оммасини ҳам қизиқтириши шубҳасиз.

Китоб Жумҳурият ўқув-услуг идораси тайёрлаган матн асосида chop этилди. Фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин: 700000, Тошкент ш., Урицкий кўчаси, 6- уй. Жумҳурият ўқув-услуг идораси.

Тақризчи: филология фанлари номзоди, доцент

*АБДУРОЗИҚ РАФИЕВ*

Муҳаррир: *БАҲРОМ АКБАРОВ*

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	5
Бобур яратган боғлар . . . . .	7
Акбар яратган боғлар . . . . .	13
Жаҳонгир — улуг боғ яратувчи . . . . .	16
Шоҳ Жаҳон ва унинг боғ яратиш санъати . . . . .	20
Аврангзеб даврида яратилган боғлар . . . . .	23
«Бобурнома» нинг «йўқотилган» саҳифалари . . . . .	27
«Бобурнома» нинг ёзилмаган саҳифалари . . . . .	33
«Бобурнома» нинг унутилган саҳифалари . . . . .	41
Бобурийлар қурдирган меъморчилик обидалари . . . . .	53

„Мозийга қайтиб иш кўриш  
хайрли, дейдилар“.

Абдулла Қодирий

*...Бори элга яхшилиг қилғилки, мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ...*

*Заҳриддин Муҳаммад БОБУР*

## СЎЗ БОШИ

1526 йилда буюк Бобур асос солган сулола 332 йил давом этди ва Ҳиндистон маданияти, адабиёт, санъати, меъморчилиги, қисқаси Ҳиндистон ҳаётининг барча жабҳаларида ўчмас из қолдирди. Заҳриддин Муҳаммад Бобурдан кейинги 5 авлод ҳукмронлик қилган давр мазкур сулоланинг асосини ташкил этади. Шу беш буюк авлоднинг сўнггиси, Бобурнинг панневараси бўлмиш Аврангзеб вафоти (1707 й.) дан сўнг Бобурийлар узоқ йиллар давомида, катта машаққатлар билан тузган улкан салтанат инқирозга юз тутди ва тарқоқ давлатлар шаклида расман 1858 йилгача давом этди.

Ушбу тўпلامдан ўрин олган бобурийларнинг боғ яратиш санъати ҳақидаги мақолалар ҳинд олими М. Рандҳаванинг рус тилида чоп этилган «Асрлар ошган боғлар» китобидан баъзи ўзгаришлар билан таржима қилинди. Шу мақолаларда «Бобурнома» дан келтирилган парчалар тўла бўлмаганлиги сабабли биз таржимада уларни тўлиқроқ ҳолда келтирдик. Бунда «Бобурнома» нинг жорий алифбода 1960 йилда чоп этилган наشريдан фойдаландик.

Бобур иккита бебаҳо мерос қолдирди: бири, буюк салтанати, иккинчиси, асарлари, хусусан, шоҳ асари «Бобурнома» дир. 1990 йилда шу асар яратилганлигининг 460 йиллиги нишонланиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. «Бобурнома» агар таъбир жоиз бўлса, битта эмас, учта қомусдан, яъни 15-асрдаги Фарғона, Афғонистон ва Ҳиндистонга оид қомуслардан иборатдир.

«Бобурнома» ни varaқлар эканмиз, бир печа жойида воқеалар узилиб қолганининг гувоҳи бўламиз. Бу асарда жами 36 йиллик воқеалар баён этилган, лекин минг афсуски, шунинг деярли ярми турли сабабларга кўра «Бобурнома» дан жой олмаган.

Ушбу асарнинг жаҳонга машҳур бўлишида инглиз шарқшуносларининг роли бениҳоя катта бўлган. «Бобурнома» нинг Оврўподагина эмас, балки дунёда биринчи тўлиқ инглизча таржимасини 1826 йилда Ж. Лейден ва У. Эрскин амалга оширган. Ф. Тэлбот шу нашр асосида 2 марта (1878 ва 1909 йй.) асарнинг қисқартирилган нашини чоп эттирди. Биринчи тўлиқ таржима нашр этилгандан салкам бир аср кейин (1924 й.) машҳур инглиз шарқшуноси Аннет Бевериж хоним «Бобурнома» ни аслидан қайта таржима қилиб, иккинчи тўлиқ нашини амалга оширади. Англиянинг ўзида «Бобурнома» таржималарининг 9 марта чоп этилгани бу асарга қай даражада катта аҳамият берилишидан далолат беради. «Бобурнома» нинг аҳамияти тўғрисида турли даврда турли алломалар ажойиб фикрлар билдирган. Бироқ Ф. Тэлботнинг «Бобурнома» сўзбошиси (1909 й.) даги қуйидаги фикри, бизнингча, жуда эътиборга сазовордир:

«Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул».

«Бобурнома» ни Ҳиндистоннинг бир қатор тилларига, жумладан ҳиндий тилига таржима қилиш учун Ф. Тэлбот наشري таллаб олинган. Ушбу тўп-

ламдан ўрин олган «Бобурнома» ҳақидаги уччала мақола ҳиндий тилидаги нашридан таржима қилинди (Деҳли, 1974 й.).

Маълумки, «Бобурнома» да салкам 36 йиллик воқеалар баёни берилган, лекин шундан деярли ярми — 18 йиллик воқеалар — турли сабабларга қўра «Бобурнома» дан ўрин олмаган. «Бобурнома» ни варақлаган киши бунга ишонч ҳосил қилади — бир ерда 10—11 йиллик, иккинчи ерда 4—5 йиллик, яна бошқа ерда esa 5 ойлик ва ҳ. к. узилишлар бор. Мана шу узилиб қолган жойлардаги Бобурга алоқадор воқеаларни инглиз таржимонлари қўйидаги ёзма манбалар асосида тиклаб чиққанлар: «Тарихи салотини Афғона», «Тарихи Рашидий», «Ҳумоюннома», «Ақбарнома», «Табқоти Акбарий», «Тарихи Фариста», «Лаббу Таворих», «Тарихи Оламароий», «Тарихи Бадаюнӣ», «Тарихи Синд» ва бошқалар.

«Бобурнома» ҳақидаги уччала мақоланинг номини биз шартли равишда қўйдик. Мазкур мақолалардаги «Ўзбеклар» атамаси кўчманчи ўзбекларни билдиради.

Бобурийлар бунёд эттирган меъморчилик обидаларининг энг машҳурлари ҳақида алоҳида мақолада сўз юритилган. Ушбу мақола муаллиф томонидан ёзилган.

«Бобурийлар боғлари» туркум мақолаларда ҳам, «Бобурнома» ҳақидаги мақолаларда ҳам асл нусхада баъзи нуқсонлар бор — баъзи исм ва номлар хато берилган. Биз таржимада имкон қадар уларни тўғрилашга ҳаракат қилдик. Сўз ва атамалар, хусусан, Ҳиндистонга оид жўғрофий номлар, киши исмлари ва атамалар имлосига алоҳида эътибор бердик. Китобда айрим хатокамчиликлар, баҳсли ўринлар бўлиши мумкин.

«Бобурнома» дан кўчирма олганимизда ёки унга ҳавола берганимизда «Бобурнома» нинг 1960 йилда Тошкентда чиққан нашридан фойдаландик.

Маълумки, чет элларда «Бобурийлар» ни «Мўғуллар», «Буёқ мўғуллар» деб аташ одат тусига кириб қолган. Биз таржимада «Мўғуллар» атамасини «Бобурийлар» деб тўғриладик.

Биз Бобур олдида катта қарздормиз. Унинг даври, ҳаёти ва ижодини, хусусан, «Бобурнома» ни ўрганиш бўйича ҳали талай ишлар қилиш керак. Бобурнинг она ватанида ҳауузгача «Бобурнома» нинг биронта тузукроқ наشري ҳам чиқмагани уятли бир ҳолдир.

Ушбу китобдаги мақолалар Бобурийлар даври, уларнинг серқирра фаолияти ҳақида аниқроқ ва тўлиқроқ тасаввур беради, «Бобурнома» ни ўрганишда ёрдам беради ҳамда китобхонларда қизиқиш уйғотади, деб умид қиламиз.

*Ансориiddин Иброҳимов*

*Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш  
даврилинг ажойиб султони, кучли,  
тадбиркор киши бўлиб, санъатни,  
адабиётни, гўзалликни севарди...*

**Ж. НЕРУ**

## **БОБУР ЯРАТГАН БОҒЛАР**

Ислом маданияти Ҳиндистон маданий ҳаётини кўп жиҳатдан бойитди. Урта Осиёда машҳур бўлган қоғозни қўлда ишлаб чиқариш усули билан Ҳиндистон биринчи марта 13-асрда танишди. Бу нарса рассомчилик санъати ва адабиётининг ривожланишига туртки бўлди. Сарий ва дхўтий киядиган ҳиндлар энди хилма-хил кийимлар киядиган бўлди. Эрон билан танишиш мусиқа техникасини такомиллаштирди.

Бобур асос солган сулоланинг забардаст вакиллари ҳинд маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Бобурнинг невараси Акбаршоҳ ҳомийлигида рассомлар мўғул мактаби деб аталадиган рассомчилик мактабини яратди. Уша даврда меъморчиликнинг янги услублари вужудга келди. Меъморчиликнинг шу даврга мансуб намуналари ҳали-ҳануз Деҳли, Агра ва Фатҳпур Секрийга ташриф буюрадиган кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Бобурийлар ҳокимият тепасига келгунга қадар Ҳиндистонда боғдорчилик санъати деярли йўқ эди. Бундан тўғлоқ шоҳларидан бўлмиш Ферузшоҳнинг ҳукмронлик қилган йиллари (1351—1388) мустаснодир. Ниҳоятда маърифатли бўлган бу подшо ҳақли равишда, қирғин-баротдан кўра мамлакатни иқтисодий ривожлантириш афзалроқ, деб ҳисобларди. У Деҳли ва унинг теvarак-атрофида боғ-роғлар барпо қилдирди. Ферузшоҳ Деҳли теvarагида 1200 га яқин боғ-роғ бунёд қилдирди ва Алоуддиншоҳ даврида яратилган 30 боғни тартибга келтирди. Салўр яқинида 80, Читорда эса 44 боғ яратилди. Уша даврда ҳар битта боғда оқ ва қизил узумнинг 7 нави барқ уриб, ўсиб турган.

Ҳиндистонда бобурийлар яратган боғларнинг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралда ҳозирги Ўзбекистон Республикасида жойлашган Андижон шаҳрида таваллуд топди. 12 ёшида у отаси Умар шайх Мирзодан мерос қолган тахтга ўтирди ва Фарғона ҳокими бўлди. У бобокалони Амур Темур яратган боғ-роғларга бурканган Самарқандни қўлга киритишни орзу қиларди. Бобур бу шаҳарни икки марта олди, лекин қўлида ушлаб қоллолмади. Ўзбек хони Шайбонийхон уни аввал Самарқанддан, кейинроқ эса Фарғонадан ҳам қувиб чиқарди.



макруҳлуғи ва нохушлуғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга-ўқ илик қўюлди. Ул улуғ чоҳқим, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлиқ боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўнада мақбул чамаилар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бўлди...

...Яна Халифа ва Шайх Зайн ва Юнус Али ва ҳар кимгаким дарё ёқасида ер тегиб эди, сиёқлиқ ва яхши тарҳлик боғчалар ва ҳавзлар ясадилар. Лоҳур ва Диболпур дастури билан чарх рост қилиб, сувлар жорий қилдилар.

Ҳинд эли бу тарҳ ва бу андом била ерлар кўрмаган жиҳатидин Ҳўннинг иморатлари қилгон тарафи ерларга Кубул от қўюбтурлар...»

Табиатни севгувчи Бобур ўзининг янги ўсимликлар ва мевали дарахт навларини етиштиришдаги ютуқлари ҳақида ҳам энг ажойиб ҳарбий ғалабалари тўғрисида гапиргандек зўр ифтихор билан сўзлайди.

«Бобурнома» га мусаввир Рам Дас чизган суратда 1528 йилнинг декабрида Бобур Агра яқинидаги боғ шийпонида ўзбек хони вақилини қабул қилаётган чоғи тасвирланган. Расмда мана бундай ёзув бор: «Улар қизил, оқ ва қора чойшабларга ўралган ўсимликлар олиб келишди. Мен қизил чойшабга ўралган олхўри кўчатини ўтказишга амр қилдим».

У Гвалиорга кетаверишда ҳордиқ чиқариш учун қапа тиктирди. Бу қирликнинг гўзаллиги Бобурни мафтун этди ва у шу ерда Чор боғ барпо қилишга ҳукм қилди. Бу ҳақда Бобур бундай деб ёзади:

«Бу якпора тошдин ҳавз буюргон ернинг шимоли қалин дарахтлардур: анба ва жомин ва ҳар навъ дарахттин. Бу дарахтларнинг орасида бир даҳи дардаҳ чоҳе буюруб эдим, ул чоҳ итмомига ета ёвушубтур. Бу чоҳнинг суйи ул ҳавзга борур. Бу ҳавзнинг гарб шимолида Султон Искандар банде солибтур. Банднинг устида иморатлар қилибтур. Бандтин юққори пашкол сувлари йиғилиб, улук қўл бўлур. Бу қўлнинг шарқ атрофи боғдур. Қўлнинг шарқ тарафида ҳам буюрдумким, якпора тошдин суфаномолар тарош қилгайлар...».

Бобур Ҳиндистонда кенг тарқалган суғориш усулларини ҳам баён этган. У Жеҳлам дарёси яқинидаги боғларда биринчи марта чархналкани кўради. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади:

«Баъзи шахрларнингким, ариқ қозиб, сув чиқарур қобилияти ҳам бор, сув чиқормайтурлар. Бу неча жиҳаттин бўла олур: бир буким, зироат ва боготига асло сув эҳтиёж эмас, ҳарифий маҳсули худ пашкол ёмғури била бўладур. Бу гарибтурким, рабий маҳсулига агар ёмғур бўлмаса ҳам бўладур. Дарахтларнинг пихолига

бир-икки йил сувни ташиб ё чарх била ё далв била сув берадурлар, андин сўнг асло бермак эҳтиёж эмас. Баъзи сабзиларга сув берадурлар...».

Бобур виҳоятда синчков шахс бўлган. У таржимаи ҳолида Ҳиндистонда ўзи кўрган жамики ўсимликларни бирма-бир баён қилади. 1528—1529 йилларда Бобур бу ўлканинг ҳайвонот ва наботот дунёси бобидаги кузатишларини қовозга туширади. Бобур тузган манзарали ва мевали дарахтларнинг рўйхати биз учун маълум аҳамиятга эга — шу рўйхат туфайли биз 16-аср бошларида Ҳиндистондаги ўсимлик дунёси ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Бобур гуллардан жосун, самбитгул, киюра, канир ва оқ ёсуманни қайд қилиб ўтади. Булар ҳаммаси маҳаллий ўсимликлардир.

«Бобурнома»га ишланган расмлар орасида Акбаршоҳнинг мусаввирлари маҳорат билан чизган киюра ва самбитгуллар суратлари ҳам бор.

Айтишларича, ҳушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур келтирган экан.

Мевали дарахтлардан у анба (манго), банан, ҳинд хурмоси, маҳва, бийр, норгил, галгал лиму ва нораңжларни қайд қилиб ўтади. Бобур ўзи илгари учратмаган дарахтлардан жоман ва камракни таърифлайди, хурмо ва кокос пальмасининг номини ҳам келтиради. Анба меваси Бобурни айниқса ҳайратга солади. У бундай деб ёзади:

«Набототким, Ҳиндустон махсусидур, бир анбадур. Аксар Ҳиндустон эли «бе» ни беҳаракат талаффуз қилурлар, ёмон муталаффиз бўлур учун баъзи «нағзак» дебтурлар, нечукким, Хожа Хисрав дебтур:

Нағзаки мо нағз қуни бўстон,  
Нағзтарин меваи Ҳиндустон<sup>1</sup>.

Яхшиси яхши бўладур, галаба еса бўладур, вале яхшиси кам бўладур. Аксар хом узадурлар, уйда пишадур, хоми хўб ош қатиги бўладур. Ғўрасининг мураббоси ҳам хўб бўладур. Филвоқий Ҳиндустоннинг яхши меваси будур. Дарахти бисёр болида бўладур. Баъзи эл анбани андоқ таъриф қилиб эдиларким, қовундин ўзга жамиъ мевага таржиҳ қилиб эдилар. Эл таъриф қилғонча худ эмастур. Кордий шафтолуға шабоҳати бор. Пашкол вақтида пишадур. Икки навъ ейилур: бири, сиқиб, пўла қилиб, терисини тешиб, сўруб сувини ичарлар, яна бир, шафтолуғи кордийдек терисини аритиб ерлар. Барги шафтолу баргига андаке ўхшар, танаси баднамо ва бад андомдур. Бангола ва Гужаротга яхши бўлур эмиш».

Бобур қитобида Ҳиндистонда учрайдиган ғаройиб дарахтларнинг ҳам номини келтиради. Жумладан, кадҳил дарахти ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

«Бу ғарийб бадҳайъат ва бадмаза мевадур, бнайниҳи қўйнинг қорнидурким, киссадек қориннинг ичи ташқари бўлғай. Мазаси дил

<sup>1</sup> «Нағзак» имиз бўстон беағи ва Ҳиндустоннинг энг гўзал мевасидир.

очур чучукдур, ичида фундукдек-фундукдек доналари бор. Хурмо-ға филжумла шабоҳати бор. Мунинг доналари гирддур, узун эмас-дур. Бу доналарнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, ани ейдурлар, хили часпандадур, часпандалиғидин баъзи иликни, оғизни ёглаб ер эмишлар. Ҳам дарахтнинг шоҳида бўладур, ҳам танасида, илдизида ҳам бўлур эмиш. Дарахтдин гўёким киссаларни осиб-осиб қўюб-турлар».

Хурмо, кокос пальмаларининг Бобур ёзиб қолдирган таърифла-ри тропик ўлкалар ўсимликларини ўрганиш билан шуғулланадиган ҳозирги ўсимликшунос ва боғдорлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

*Бобур дилбар шахс эди... Набираси  
Акбар эса янада мафтункорроқ бў-  
либ, янада кўпроқ фазилатларга  
эга эди...*

Ж. НЕРУ

## АКБАР ЯРАТГАН БОҒЛАР

Акбаршоҳ 1556 йилдан 1605 йилгача ҳукмронлик қилган ва у шубҳасиз, бобурийлар ичида энг буюги бўлган.

Акбарнинг расмларига қараб, унинг жуссаси пишиқ одам эканини билса бўлади. Юз-кўзлари эса унинг куч-қувватини шундоқ-қина ифодалаб туради.

У атрофига салоҳиятли кишиларни тўплаган эди. Шайх Мубо-рак ва унинг ўғиллари, шоир Файзий ҳамда аллома Абулфазл Акбаршоҳнинг маслаҳатчилари бўлган.

Абулфазл «Акбарнома» ва «Ойини Акбарий» асарларининг муаллифи ҳамдир. Бу алломанинг дунёқараши ниҳоят даражада кенг бўлган. Абулфазл ҳиндларни «хушфёъл, самимий, меҳмондўст ва очиқ кўнгил одамлар» деб таърифлаган. Ҳиндларнинг илмга қизиқишини, зоҳидлик (аскетизм) ка мойиллигини, меҳнатсевар, қобилиятли, содиқ ва ҳақгўйлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Абулфазл бошқалардан фарқли ўлароқ, бутпарастликни ҳиндларнинг бирдан-бир мақсади, деб билмаган. У маъбуд-маъбудаларнинг шакл-суратлари фақат фикрни бир ерга жамлаш учунгина хизмат қилган, деб ҳисоблаган. Ҳақиқатни билиш йўлида ва турли динларни ўрганишда Акбар Абулфазлга ўхшаш алломалардан йўл-йўриқ олган. Пи-ровард натижада у, диний тасаввурларнинг номи ҳар хил бўлса-да, аслида битта фикрни билдиради, деган хулосага келади.

Ҳарбий юришлар ва шикорлардан бешиб кетган Акбарда зўровонликка нисбатан чуқур нафрат пайдо бўлган. Бир куни овда ҳаддан зиёд жонивор қириб юборилганда, у ўзида шундай туйғуни ҳис қилади.

Бу ҳақда муаррих Будуаний мана бундай шаҳодат беради: «Шоҳни кучли жазава ҳолати ва худога нисбатан кучли меҳр ҳисси қамраб олди. Унинг хатти-ҳаракатида изоҳлаб бўлмайдиган мислсиз ўзгариш юз берди. Бу ҳолатни ҳар ким ўзича тушунтирмақчи бўлди, бу сир ёлғиз худогагина аён эди ва у ўша заҳотиёқ шикорни тўхтатишга ҳукм қилди».

Абулфазлнинг айтишича, ўша пайтда Акбарнинг ҳолати тож-тахтдан кечган ёки ўлим олдида турган кишининг аҳволини эслатари: «У ўзи олиб бораётган курашдан воз кечиб, дунё ташвишларидан юз ўгиришига бир баҳя қолди». Мазкур муаллифнинг

фигрича, ўша пайтда Акбарга ниҳоятда олий марҳамат насиб бўлган ва у Оллоҳнинг ўзи билан сўзлашиш шарафига муяссар бўлган.

Биргача етиб келган маълумотларга қараганда, Акбар шу сирли ҳодисадан кейин оз қилишдан воз кечиб, буткул тинч, дунёвий юмушлар билан машғул бўлган.

Акбар Ҳиндистондаги салтанатини кенгайтириб ва мустақкамлаб олгач, Аградан тахминан 23 мил масофада Фатҳпур Секрийда янги пойтахт бунёд этди. У ерда саройлар, ҳаммомлар, ҳовузлар, гулзору-боғлар барпо қилдирди. Ёз кечалари ўтириш учун баланд бир шийпон ҳам қўрдирди. Шийпоннинг чор атрофи ҳовуз бўлган. Боғдаги анвойи гуллар муаттар ҳид таратган, салқин хиббонлар дилга ҳузур бағишлаган.

Акбарнинг ҳукмронлик даврида классик асарларга, шу жумладан, XII асрда яшаб ижод қилган машҳур форс шоири Анварийнинг дostonларига ҳам расмлар ишланган. Шу асарга ишланган суратлар орасида боғ манзараси тасвирланган гўзал расмлар бор. Мусаввир Маҳеша чизган бир расмда икки боғбоннинг ишлаб тургани ифодаланган. Улардан бири гул тераяпти, иккинчиси ер юмшатаяпти. Олд томонда банан дарахтлари ва гуллаб турган бир йиллик буталарнинг тасвири, орқа томонда эса иккита улўвор сарв, манго ва пальма дарахтлари тасвирланган. Ўртада фавворали тўртбурчак ҳовуз.

Ушбу расм Акбаршоҳ ҳукмронлик қилган даврдаги боғ-роғлар ҳақида тасаввур беради. Эронликларга ўхшаб бобурийлар мусаввирлари ҳам дарахтларда одамларни тасвирлашни яхши кўрганлар. «Девони Анварий» га ишланган суратлар орасида мана бундай бир сурат бор: бир дарахт шоҳида шоир Анварий кўлидаги бир варақ қоғозга қараб шеър ўқияпти. Ёнидаги хушрўй ўсириин эса унга қадаҳ тутаяпти. Пасда, дарахт тагида чоғроқ ҳовузда бир жуфт ўрдак сузиб юрибди. Чинор шоҳларида қушлар... Фатҳпур Секрийда «Вишну устун» деб аталувчи устун бўлган. Акбаршоҳ ана шу устунда ўтириб, мусиқа тинглаган ва турли динлар ҳақида мушоҳада қилган. «Устун» андозаси мазкур «дарахтдаги ошиёндан» олинган бўлса, ажаб эмас.

Акбаршоҳнинг таржимаи ҳолини ўрганган Абулфазл «Ойини Акбарий» да бундай деб ёзади: «Аъло ҳазратлари гулларни тангрининг улўв марҳамати, деб ҳисоблайдилар ҳамда уларга зўр эътибор билан қарайдилар. Шу туфайли бу ердаги боғларда Эрон ва Олтойдан келтирилган ўсимликлар ўсади, боғ барпо қилиш ишлари гуллаб-яшнамоқда».

У пайтларда оддий халқнинг ҳаёт тарзи қандай бўлган, қалъаю саройлар, боғу роғлар кимнинг ҳисобига бунёд этилган? — деган савол туғилиши табиий.

Бобур давридаёқ Ҳиндистоннинг шимолий қисмларида аҳоли зич жойлашган эди. Бобур «...Ҳиндустон мамолики васе ва пурмардум...» деб ёзган. Қишлоқ аҳли қашшоқ турмуш кечирган. Уларнинг эғнидаги либоси кишида аянчли таассурот қолдиради. Акбар-

шоҳ даврида яратилган расмлардан бирида бугдой ўримидаги деҳқонлар тасвирланган. Уларнинг бошида салла, эгинида эси у ер-бу ерини беркитиб турган бир парча лунги, холос.

Акбар Ҳашмир водийсига қадами теккан биринчи бобурий шоҳ эди. Сринагардаги Дал кўли бўйида у «Насим боғ» деган боғ барпо қилдирган. Лекин бу боғнинг на деворлари, на фаввораларию ва на ариқлари бизнинг давримизгача етиб келган. Фақат чинорларгина сақланиб қолган, холос.

«Акбарнома»да ёзилишича, бир қадимий чинор танасининг кавагига Акбаршоҳ 34 кишини сиғдирган экан. Бу улкан чинорни кейинчалик Жаҳонгиршоҳ ҳам тилга олиб ўтган:

«Сринагар шаҳридан икки ярим кўс<sup>1</sup> масофадаги Равалпур қишлоғида бир чинор бор. 20 йил муқаддам ёниб кетиб, чинорнинг танаси қавак бўлиб қолган экан. Мен ўзим отда, бешта эгар-жабдуқланган от ва икки нафар хизматкор билан бирга шу қавакка кириб кўрдим. Бироқ нуқул шу воқеани гапириб берсам, одамлар ишонмайди. Шунинг учун баъзиларга ўша ерга бориб, шу дарахт қавагига кириб кўришни буюрдим».

Чинор — Ҳашмирнинг миллий дарахтидир. Ҳашта, гилам, ёғоч ва мисдан ишланган буюмларда чинор бағрининг шаклини кўриш мумкин. Чинорни кесиш таъқиқланади. Шундай эътибор туфайлигина ҳали ҳам Сринагар шаҳри ва Жеҳлам дарёси соҳилларида ва Паҳалгамга кетаверишда Метан яқинида қатор-қатор чинорларни кўриш мумкин. Бижихардаги қадимий бобурийлар яратган бонда танасининг айланаси 56 футга (1 фут тахм. 0,3 м. — тарж.) тенг бир чинор бор. Бу улкан дарахт кўндан-кўп сайёҳларнинг диққатини ўзига тортади.

Чинор Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳашмирда ўсади. Бу учала жойнинг ўхшашликлари кўп: қишлоқдаги оқар сув, узумзор, олмазор, ўрикзору шафтолизорлар.

Бобурийлар боғлари ҳақидаги мавзуга қайтиб, уларнинг икки хили борлигини таъкидлаб ўтамиз: биринчиси, подшоҳларнинг ўзи хордиқ чиқарган, кўнгил очган боғлар ва иккинчиси, уларнинг мақбаралари жойлашган боғлар.

Бобурийлар марҳум подшоҳларнинг руҳлари шод бўлсин, улар гулларнинг муаттар ҳидларидан доимо баҳраманд бўлиб турсин, деган ниятда мақбара-боғлар барпо қилганлар. Акбаршоҳ қурдирган иккита мақбара-боғ жуда машҳурдир. У 1566 йилда Деҳлида Ҳумоюнга мақбара қурдирди<sup>2</sup> ва биринчи бўлиб унинг атрофига чорбоғ услубида симметрик қилиб жойлаштирилган сув ҳавзалари ва ариқлардан суғориладиган боғ барпо қилдирди. Бу — дастлабки кўриниши тўла сақланиб қолган энг қадимги бобурийлар боғидир.

Аградаги Секандарада Акбар мақбараси атрофида барпо қилинган боғ энг ажойиб боғлардандир. У каттагина чорси майдонни эгаллайди ва кунгурадор девор билан ўралган, чорбоғ услубида

<sup>1</sup> Кўс тахминан 3,2 км. — (тарж.).

<sup>2</sup> Бошқа маълумотларга кўра, бу мақбарани Ҳумоюннинг тўнғич хотини Бекабегим (Ҳожибегим) қурдирган. (тарж.)

қуритган, Мақбарани Акбарнинг ўзи қурдира бошлаган. У ислом ҳулуфидати тумови билан эмас, балки кунчиқар томонга нишаб қилдишиданган том билан тугалланган.

Ўша пайтда боққа сарв, чинор ва пальма каби дарахтлар экилган. Деяни ҳоқир улардан ном-нишон ҳам қолмаган. Боғ бир-икки ой қаровона қолса, не аҳволга тушиб қолишини ҳар қандай боғбон ақши биледи. Бу ерда эса гап бир неча ой ҳақида эмас, балки бир неча йер мобайнида ўз ҳолига ташлаб қўйилган боғ хусусида кетилиши. Шушга қарамай, Секандарадаги боғ улуғвор ва оромбахшидир.

## ЖАҲОНГИР — УЛУҒ БОҒ ЯРАТУВЧИ

1605 йилдан 1627 йилгача Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Жаҳонгир ҳам бобокалони Бобурга ўхшаб табиатни севган. Отаси Акбаршоҳдан унга мустаҳкам давлат мерос қолди. Бу нарса Жаҳонгирга севимли машғулотлар билан тўла-тўқис шуғулланиш имконини берди. У тасвирий санъат ва боғ яратиш санъатининг ҳомийси сифатида тарихга кирди. Қашмирда Шалимар, Атҳабала ва Веринаг боғларини барпо қилдиргани учун биз унинг олдида қарздормиз.

У Ғарбий Покистонда жойлашган Ҳасан Абдал яқинидаги Ваҳ деган жойда ҳам боғ бунёд қилдирган. Бундан ташқари Жаҳонгир Аграда ўз қайнатаси Этимодуд Давлага атаб ва Лаҳўрда эса Дилқушо номли боғ ҳам барпо қилдирган.

Жаҳонгирни Ҳиндистондаги энг улуғ боғ яратувчи деб аташга тўла ҳақлимиз. Қобилиятли, зид табиат эгаси бўлган бу инсонни тушуниш унчалик осон эмас. Тарих ва миниатюра яратиш санъати унинг ташқи кўриниши ва диди ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Мусаввир Баччитор Жаҳонгирнинг расмини чизган. Расмда қирра бурун, чўзинчоқ иякли ниҳоятда чиройли бир йигит тасвирланган. Лаблари унинг ўта ҳиссиётга берилувчанлигидан далолат бериб турибди. Ҳаётга умид билан боқувчи ва ҳирсга берилган бу инсон ҳамиша дид билан башанг кийинган.

Жаҳонгир табиатшунослик билан шуғулланган. Паррандаю дарранда ва ўсимликларга у берган таъриф ниҳоятда аниқлиги билан ажралиб туради.

Лекин шундай бўлишига қарамай, ҳаётининг сўнгги йилларида у шароб ва афъюнга берилиб кетди. Унда ҳаётга муҳаббат ва золимлик ғаройиб бир тарзда уйғунлашиб кетган эди — у душманларини филнинг оёғи тагига итқитиб, аёвсиз йўқ қилиб ташларди.


Шу билан бир қаторда Жаҳонгир ҳис-туйғуга берилувчан киши бўлган. У ўспиринлик чоғида тарихда Анаркалий (Анор ғунчаси) номи билан машҳур бўлган Шарфун-Нисони севиб қолган. Бироқ отаси Акбаршоҳ тасодифан қизнинг ҳам йигитга мойиллигини билиб қолади ва Шарфун-Нисони тириклайин деворга тиқиб, устидан суваб ташлашга ҳукм қилади. Жаҳонгир тахтга ўтиргач, Анаркалий шарафига мармардан мақбара қурдирган.

Шундан кейин унинг Меҳрун-Нисо исмли эронлик шувонга ишқи тушади. Жаҳонгир дастлаб уни Ладхўрда Рақий соҳнадаги саройи деразасидан туриб кўриб қолади. Бу пайтда аёл дарёда қўйиқда сайр қилиб юрган бўлади. Жаҳонгир бир кўринишдаёқ ошани беқарор бўлиб қолади. Унинг таклифига аёл рад жавобини беради, чунки у Шер Афшон исмли эронлик бир аскарнинг хотини эди. Жаҳонгир у аскарни йўқ қилдиришгача бориб етади ва 1614 йилда бу гўзал бева хотинга уйланади. Жаҳонгир уни Нур Жаҳон, яъни «Жаҳон нури» деб атайди. Ута нозик дид соҳибаси бўлган бу аёл янгидан-янги аёл либослари намуналарини яратиш ишига қўл уради. Бундан ташқари у боғ-роғлару гулларга қизиққан. Атиргул мойини шу аёл кашф қилган, деган нақл ҳам бор. Бу ҳақда муаррих Мануччий бундай ҳикоя қилади:

«Бир куни Нур Жаҳон подшони 8 кун давом этган базмга таклиф қилади. Нур Жаҳон боғдаги ва саройдаги жамики ҳовуларни гулоб билан тўлдирилсин ва унда ҳеч ким қўлини юва кўрмасин деб ҳукм қилади. Лекин кечаси ўзи бир ҳовузнинг бўйида ётиб ухлаб қолади. Эрта саҳарда уйғониб, бирон кимса ҳовулардаги гулобни ифлос қилмадимикан, деб ҳовуларни бирма-бир юриб айланиб чиқа бошлайди. Шунда бир ҳовуздаги гулобнинг юзида юпқа мойли пардага кўзи тушади. Биров сувга мой ташлабди-да, деб ўйлаб, ниҳоятда газабланади. Сувни нима ифлослантирганини билиш учун канизакка ҳалиги пардадан қўлингга йиғиб ол, деб буйруқ беради. Нур Жаҳон сувнинг юзидан йиғиб олинган мойни ҳидлаб кўрса, ниҳоятда муаттар ҳид келяпти. Бошқа ҳовулардан йиғиб олинган мойда ҳам худди шу хушбўй ҳид бор эди. Шунда у мой шудрингга ўхшаб сувнинг ўзидан пайдо бўларкан, деган хулосага келади. Шундай антиқа атирга эга бўлганидан хурсанд Нур Жаҳон ҳалиги мойдан кийимига суради-да, подшоҳнинг ҳузурига йўл олади. Подшоҳ бу пайтда ухлаб ётган эди. Уни уйғотганларида, муаттар ис уни завққа тўлдиради. Шунда Нур Жаҳон қандай қилиб кашфиёт қилганини унга сўзлаб беради. Ҳиндистонда гулоб мойи сирини шу тариқа билиб олишган экан.

Нур Жаҳон эрининг боғ-роғлар ва табиатга бўлган муҳаббатини баҳам кўрарди. У Кашмирга саёҳат чоғида Жаҳонгирга шерик бўлган. Бу гўзал водий Жаҳонгирни ҳайратга солган эди: «Кашмир — бу мангу баҳор боғи, — деб ёзган эди у, — гўзаллиги билан кишилар қалбини ром қилувчи гулзор, дарвешлар ошиёнидир. Ажойиб майсазорларию, фусункор шаршараларини таърифлашдан тил ожиз. Ирмоқлару фаввораларнинг сон-саногии йўқ. Қабққа қараманг, ҳамма ёқда кўм-кўк ва оқар сув. Қизил атиргуллар, бинафша ва наргис гуллар дала гулларига ўхшаб очилиб ётибди. Муаттар ис таратиб турган турли-туман ўсимликларни санаб адогига етиб бўлмайди. Баҳор чоғида пасттекисликлар ва қир-адирларда гуллар чаман бўлади, эшик-дарвозалар, деворлар, томлар ва ҳовлиларда лолақиз-ғалдоқлар алвон бўлиб очилади. Бу дунёвий гўзалликни таърифлашга сўз ожизлик қилади».

Жаҳонгир баҳорни қуйидагича таърифлайди: «Энг чиройли пайт шафтоли ва ўрик гуллаган пайт... Кейин зангори ёсуман очилади.





Надари бузрукворимизга ҳамроҳ бўлганда Кашмирда аксар заъфарон далаларида бўлганман ва кузнинг гўзаллигини кўрганман. Худонинг марҳамати билан мана шу гал баҳорнинг гўзаллигини кўришга ҳам мушарраф бўлдим».

Октябрь ва ноябрь ойларида чинор ва бошқа дарахтларнинг барглари олтин рангининг турли-туман нозик жилоларида товланади ва заъфарон гуллайди. Жаҳонгир кузда Кашмир водийсига қилган сафарини мана бундай баён қилади:

«Мен Кашмир дарёсининг қуйи томонига қараб кетадиган Лар водийси ва Сафалур томонга қараб кузги сафарга отландим. Сафалурда ажойиб бир кўл бўлиб, унинг шимолий томонида куюқ дарахтлар билан қопланган қиялик бор. Чинор, ўрик ва бошқа дарахтларнинг турли рангларга бўялган япроқлари сувда акс этиб турарди. Хеч сўзсиз, гўзалликда куз фасли баҳордан қолишмайди».

Ҳозир Лондондаги Британия музейида сақланаётган бир расмда Жаҳонгирни Сринагар яқинидаги Дал кўлида қайиқда сайр қилиб юргани тасвирланган. Кўлнинг марказида мўъжазгина бир орол, унда кедр дарахтлари кўкка бўй чўзиб турибди, олд томонда эса нилуфар гуллари. Гўзаллик шайдоси бўлмиш ҳар қандай кишида бўлганидек, Жаҳонгиршоҳни ҳам Кашмир кўлларида ўсадиган бу нилуфар гуллари лол қолдирган.

Боғ-роғлар яратиш жараёнида Жаҳонгир биринчи бўлиб «Чор чинор» услубини қўллайди. Бу услубга кўра, чорси ер майдонининг тўрт чеккасига тўртта чинор экилади ва ушбу саҳннинг ўртаси ҳамиша салқин бўлиб туради. Бундай ям-яшил воҳаларни Кашмир водийсидаги карвон йўлларида учратиш мумкин. Сайёҳ ва савдогарлар бу ерларда дарахтларнинг соясида ҳордиқ чиқарганлар.

Жаҳонгир узоқ Кобулдан ўзи учун келтириладиган олча, узум ва хушбўй қовунни жуда хуш кўрган. Кашмирда у ўз қўли билан олчазорлар бунёд этган. Ҳақиқий боғбонларга ўхшаб у ҳам ўзи етиштирган ҳосилдан татиб кўришни яхши кўрган.

«Ишрат афзо» («Севинч бахш этувчи») деган кичкинагина боғда, — деб ёзган эди Жаҳонгир, — бир ёш дарахт ўсарди. Мен уни «Ноу бар» («Янги мева») деб атадим. Ўзим ҳар куни мевасидан териб олардим. Худди шунақа мевалар Кобулдан келтирилса-да, лекин ўз боғингдаги ширинроқ туюлади».

Жаҳонгир Правар-Сен II (79—139 йй.) нинг қароргоҳи жойлашган ерда Шалимар деган боғ барпо қилди ва шу ерда Сринагар шаҳрига асос солди. Шалимар ҳали ҳам ўзининг кўрамлиги ва ҳашамати билан киши ақлини лол қолдиради. Кенглиги 10 метрдан ошироқ канал боғни кўлга туташтириб туради. Каналнинг икки четида улкан чинорлар савлат тўкиб турибди. Наргис ва долазорлар кўзни қувонтиради. Боғ уч қисмга бўлинган: ташқари боғ, марказий ёки шоҳона боғ ва ичкари боғ. Ташқари боғ томошабин учун очиқ ва улкан шийнондан иборат подшо қабулхонаси билан тугалланади. Шоҳона боғ иккита поғонадан иборат. Унинг марказий қисмида бир маҳаллар хос шахслар учун мўлжалланган қабулхона

бўлган. Бироқ даврлар ўтиши билан ундан асар ҳам қолмаган. Ички қари боғ шийпонлари қорли улуғвор Маҳадев тоғлари фониди жойлашган.

Шалимар боғи Жаҳонгирнинг назик дид соҳиби бўлгани ва унинг табиат манзараларидан моҳирона фойдалана билишига ёрқин далилдир. Маҳаллий аҳоли санскрит тилида «Севги маскани» деган маънони англатадиган Шалимарга келишни хуш кўради. Улар чинор соясида чой ичиб, хордиқ чиқарадилар.

Нишот боғ, яъни Жаннат боғини Нур Жаҳоннинг акаси Асафхон бунёд эттирган. Боғ Дал кўлининг бўйидан 12 поғона бўлиб тоғ томонга қараб кўтарила борган, ҳар бир поғона буржнинг биттадан белгисини билдиради. Бу улкан поғонали зинанинг икки четида чинор ва сарвлар кўкка бўй чўзиб туришти. Қаёққа қараманг, ҳаммаёқда гулсафсар, наргис ва атиргуллар. Бу ердан кўл ва тоғларнинг улуғвор манзараси намойн бўлади.

Анантнаг тоғи яқинида жойлашган Ачҳабал боғи ҳам Жаҳонгир номи билан боғланган. Кедр ўрмонлари билан қопланган тоғдан сизиб чиқадиган зилол булоқ суви шу боққа ҳаёт бахш этади. Ачҳабал боғи поғона-поғона қилиб қурилган бўлиб, у поғоналарда олма, нок, ўрик, олхўри ва олча дарахтлари кўкариб туради. Бу ерда улуғвор чинорларни ҳам кўриш мумкин.

Кедр ёғочидан ишланган шийпон хордиқ чиқариш ва чойхўрлик учун ниҳоятда сўлим жой.

Жаҳонгир Равалпиндидаги Ҳасан Абдал булоқлари яқинида Ваҳ боғини бунёд эттирган. Ҳар ёзда у Лаҳўрдан хотини билан Кашмирга кетатуриб хордиқ чиқариш учун шу ерда тўхтаб ўтган. Чуқурликдаги Веринаг булоғи ҳам Жаҳонгирнинг эътиборини жалб қилган. У 1609 йилда булоқ атрофида равоқли, 24 тоқчали, 8 бурчакли ҳовуз қурдирган. Булоқнинг зумрадмисол ям-яшил сувида бу ерларда муқаддас ҳисобланган зогора балиқлар сузиб юрган. Шу булоқнинг суви икки четига боғ барпо қилинган ариққа қуюлган. Жаҳонгир 1627 йилда Веринаг тепасидаги тоғ довонидалик пайтида вафот этди. Ҳалимидан олдин у булоқ бўйига дафн қилишни васият қилган. Лекин қиш яқин бўлгани сабабли тоғ доvonлари қор билан қопланиб ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолади, деган хавотирда унинг мулозимлари Жаҳонгирнинг жасадини Лаҳўрга олиб келганлар.

Нур Жаҳон унга мақбара қурдирди, атрофига эса машҳур Шаҳдара боғини барпо қилдирди. Мақбара ниҳоятда гўзал қилиб қурилган иншоотдир. Оқ мрамрдан ишланган тўртта минораси узоқдан кўзга ташланиб туради. Боғдан тўртта йўл мақбарага олиб боради. Учтаси мрамрдан ўйиб ишланган панжаралар билан тўсиб қўйилган. Мрамр қабр рангли тошлар қадаб безатилган. Бош томонда форс тилида «Ушбу ер Аъло ҳазратлари Нуриддин Жаҳонгиршоҳ Подшоҳнинг нур тўла қабрлари, сўнги манзилгоҳларидир» деб ёзиб қўйилган.

Жаҳонгир Ҳиндистон тарихида энг улуғ боғ яратувчи бўлган. Унинг Кашмирда бунёд эттирган боғ-роғлари, кўнгилга завқ-шавқ бахш этувчи гўзаллиги кўп жиҳатдан бобурийларнинг санъаткор

мусаввир сифатида обрўсини оширишга ёрдам берди. Жаҳонгир қаерга бормасин, ўзидан боғ-роғ қолдирган. Бу боғлар ҳозир ҳам авлодларни ҳайратга солмоқда.

## ШОҲ ЖАҲОН ВА УНИНГ БОҒ ЯРАТИШ САНЪАТИ

Жаҳонгирдан кейин 1627 йилдан 1658 йилгача Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қилди. У ҳашаматни ёқтирар, нозик дид соҳиби эди, аёллар суҳбатидан баҳра оларди, лекин кўп вақтини саройлару, боғ-роғлар бунёд этишга сарф қилди. Уша вақтда бобурийлар салтанати мавқеи мустаҳкам, юксалиш чўққисига чиққан давр эди. Шоҳ Жаҳон Аграда қалъа ва бутун дунёга машҳур Тоғ Маҳал, Деҳлида Қизил қалъа каби бир қатор маҳобатли иншоотлар қурдирди. Қалъанинг атрофида муҳташам боғ барпо қилинган эди. Сарой ичидаги мрамор қопланган ариқлардан биллурдай шаффоф сув оқиб турган. Хоналардан бирида, ариқ тепасига ўймакорлик билан ишланган бир антиқа панжара ўрнатилган бўлиб, унда адолат тарозуси тасвирланган.

Отаси каби Шоҳ Жаҳон ҳам бир неча бор Кашмирга сафар қилган. Кўллар, ўрмону тоғлар уни ҳайратга солган. У Шалимар боғининг юқори қисмида поғонали шаршаралар билан қуршалган қора мрамрдан ниҳоятда ажойиб бир шийпон қурдирган. Кечаси шаршараларнинг тоқчаларига ўрнатилган чироқлар ёқилганда афсонавий бир манзара намоён бўлган.

Кашмир ҳокими Хон Зафар олча, шафтоли, олхўри ва узумнинг Эрон ва Афғонистондан келтирилган янги навларини кўпайтириш билан шуғулланган. Ундан кейинги ҳоким миллати эронлик Хон Али Мардон ўткир муҳандис салоҳиятига эга бўлган шахс эди. У водийда икки четига терак ўтқазилган йўллар қурдирган. Дал кўлининг бўйидаги шинамгина, лекин дид билан режалаштирилган Чашма Шоҳий боғининг қурилишида унинг хизмати, айниқса катта бўлган. Боғдаги шийпоннинг шакли уфқда кўкка бўй чўзиб турган ҳайбатли тоғларнинг кўринишини гоё антиқа даражада ўзида тақрорлаган ва ниҳоятда уйғунлашиб кетган. Шийпон ширин ва илиқ сувли бир булоқнинг ёнига қурилган. Шийпоннинг олд томонида боғ 2 та поғонага бўлинади, икковига ҳам ариқдан сув берилади. Иккинчи поғонанинг ўртасида ҳовуз бўлиб, унда 5 та фаввора отилиб туради. Боққа кираверишдаги дарвоза ва деворлар кўм-кўк дарахтлар ва буталар орасида кўринмай кетган. Чашма Шоҳий бобурий боғларга тароват бахш этувчи барча таркибий қисмларни ўзида мужассам этган.

Давлат ишларидан бўш вақтларида Шоҳ Жаҳон одатда сўфийлар ва «муқаддас кишилар» суҳбатида бўларди. Уша даврга оид баъзи суратларда Шоҳ Жаҳонни «авлиё» пинг қаршисида ўтириб, донишманднинг сўзларига бутун вужуди билан қулоқ бериб ўтиргани тасвирланган. Подшодан андоза олиб, унинг ўғиллари, зода-

гонлар ва сарой аҳли ҳам илм-ҳикматдан баҳраманд бўлиш ҳамда кўнгилларига таскин бериш шайтида айтиёлар суҳбатига бошқаданлар.

Аградаги Тож Маҳал мақбараси теварагида Шоҳ Жаҳон боғи боғ бунёд эттирган. Маълумки, мазкур мақбарада унинг хотини Мумтоз Маҳал дафн қилинган. Ниҳоят даражада мутаносиб қилиб қурилган улуғвор иншоот Тож Маҳал назокатнинг сеҳрловчи рамзидир. У чорбоғ услубида қурилган, яъни боғ саҳни тўрт қисмга тақсимланган. Ўртада мармар ҳовуз бор. Боғнинг марказида жойлашадиган бошқа иншоотлардан фарқли ўлароқ Тож Маҳал боғнинг бошланиш қисмида жойлашган. Фавворалар ўрнатилган суғориш каналининг четларига сарв дарахтлари ўтқазилган бўлиб, улар тўртта миноранинг гумбазлари билан уйғунлашиб кетган. Кейинги пайтда боққа дарахтларнинг янги турлари экилган. Лаҳўрдаги Шалимар боғи Шоҳ Жаҳоннинг энг нодир ижодий маҳсули ҳисобланади. Бу боғ 1634 йилда бунёд этилган. Қурилишга Хон Али Мардон бошчилик қилган. Боғ исломдаги жаннатнинг погоналарини ифодаловчи бир қанча бўлақларга тақсимланган. Ҳозир улардан учтаси сақланиб қолган, улар 39 акр (1 акр — 0,4 га) майдонни ишғол қилади. Боғнинг шарқий қисмида шоҳ хонадонидагилар чўмиладиган ҳовузлар бўлган. Бу ерда равоқлар билан безатилган тўртта хонада фусункор ҳовузлар бўлиб, уларнинг суви ташқаридан туриб иситилган.

Лаҳўрдаги Шалимар боғи бениҳоя гўзал боғ, у шаклларнинг бир-бирига мослиги ва режанинг мутаносиблиги билан ажралиб туради. Марказий поғонада уч томондан мармар шийпон билан қуршалган улкан ҳовуз қурилган. Ҳовузнинг ўртасида мармар супа бўлиб, унга камбар тош кўприк олиб боради. Ҳавзадаги сув ариқдан ўтиб, катта мармар ҳовузга қуйилади. Ариқ ва ҳовузни безаб турган 450 та фаввора ҳавога роҳатбахш намлик нуркайди. Боғда шийпонлару мармар ва қизил тошдан ишланган уйчалар сон-саноксиз. Ёзда боғ дилни завқ-шавққа тўлдирувчи манзара кашф этади. Бута, дарахтлар, оқ мармар ва оқар сув тароватли бир манзарани вужудга келтиради.

Мулла Абдулҳамид Лаҳўрий ўзининг «Подшоҳнома» номли асарида подшонинг бу боққа дастлабки таширфини қуйидагича таърифлайди: «Хон Ҳалилуллоҳга топширилган боғ қурилиши ниҳоятга етди, деб Аъло ҳазратларига хабар келгандан сўнг Олий ҳукмроннинг боққа биринчи марта қадам ранжида қилишлари учун маъқул вақтни белгилаш мақсадида подшоҳнинг мунажжимларига буйруқ берилди. Аъло ҳазратлари қадам ранжида қилиб боққа иззат-ҳурмат бахш этдилар ҳамда кўрганларидан ниҳоят даражада мамнуц бўлганларини изҳор қилдилар. Сарой аъёнлари ул ҳазратга қутловлар билдирдилар ва шаҳоншоҳнинг яна ҳам гуллаб-яшнашлари учун ўқилган хутбада иштирок этдилар. Шу муносабат билан ҳозир бўлган ва илгари Рум, Ироқ ва Мовароуннаҳри ўз кўзлари билан бориб кўрган маърифатли ва доно шахслар шаҳаншоҳга бундай мўъжизани кўз кўриб, қулоқ эшитмаганини айтдилар. Боғда

шунчалик кўп иморат солинган эдики, бордию шаҳаншоҳ бутун ҳарамии билан ташриф буюрган тақдирда ҳам қўшимча қапа тикишга ҳожат қолмасди».

Богда подшонинг хотинлари учун антиқа саройлар бунёд этилган эди. Хоспура деб аталган богнинг бу қисми «Фарҳатбахш», яъни «Севинч бахш этувчи» деб аталган иккинчи қисми билан боғланган. Шоҳ хотинларининг кўнгил очиши учун қурилган бу қисми богнинг бошқа қисмларидан нозик қилиб ишланган мармар панжара ажратиб турган. Ўртадаги ўтиш жойини арман ва татар сипоҳийлари қўриқлаган. Номаҳрамларнинг «Фарҳатбахш» га кириши таъқиқланган. Бу ерга фақат аёллару ҳарам оғасигина кириши мумкин бўлган. Сарой раққосалари ва созандалари ўзларининг куй-қўшиқлари билан шаҳаншоҳ хотинларининг кўнглини ҳушнуд этган. Шийпонларга гиламлар ва инак парёстиқлар тўшалган. Чўри қизлар кумуш идишларда яхна шарбат ва олтин ликопчаларда узум ва анор таниб хизматда бўлганлар. Теварак-атрофни тутиб турган атиргулларнинг муаттар ҳиди, қафаслардаги ранго-ранг тўтилар дилга сурур бағишлаган.

Уша даврда ишланган расмлар бобурийлар ва хотинларининг қизиқишлари ҳақида маълумот беради. Бобурийларнинг гулга бўлган меҳри ариқ-равшан кўриниб турибди: расмларда улар қўлида доимо гул ушлаган ҳолда тасвирланган. Боғ-роғлар яратишга бўлган ишқибозлик эса бир-бирига чирмашиб кетган сарв, чинор ва мевали дарахтларни тасвирлайдиган мавзу сифатида расмлар, гиламлар ва қошинларда намён бўлди.

Бу мавзу Лаҳўрдаги Хон Вазир масжидига қошинкорлик билан ишланган безакда ўзининг муносиб аксини топган. Минораларнинг деворларида ток новдаси чирмашиб кетган сарв ва чинор дарахтлари тасвирланган. Сарв дарахтларининг мовий ранг шохлари ва ям-яшил чинорлар сариқ фонда яққол ажралиб туради. Масжиднинг ички қисмига ишланган безакларда нозик сарв дарахтлари ортида узум бошлари осилиб турган ток новдалари фусункор бир манзара кашф этади. Сарвларнинг тагида эса пушти-бинафша тусдаги гулсафсарлар очилиб ётибди.

XVIII асрнинг сўнги чорагида Бобурийлар салтанати инқирозга юз тутиб, Панжобда тартибсизликлар бошланган пайтда Шалимар боғи қаттиқ зарар кўрди. Фавворалар ясалган мислар бозорга олиб чиқиб сотиб юборилди, мармар тахталар эса кўчириб олиниб, Амритсардаги муқаддас Олтин ибодатхонадаги ҳовуз қурилишига жўнатилди. 1806 йилда бу боғда касалликдан сўнг маҳаража Ранжит Сингх яшаган. У ариқ ва фаввораларни тозалатди, мевали дарахтлар ўтказди ва гулзорлар бунёд эттирди.

Панжоб инглиз истилосидан озод бўлгандан кейин Шалимар боғи оддий халқ ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирилди. Бу ерда моҳир раққосалар ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Покистон ҳукумати Шалимар боғини кўп жиҳатдан қайта таъмирлади. Эндиликда у сайёҳлар орасида маълум ва мақбул маскандир.

## АВРАНГЗЕБ ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН БОҒЛАР

Санъат ҳомийликка муҳтож бўлади. Агар ҳомийлик бўлмади, меъморлик, боғ-роғлар ҳаммаси инқирозга юз тутарди.

1658 йилда отаси Шоҳ Жаҳонни назарбанд қилиб, ана ушунларни тигдан ўтказган Аврангзеб Ҳиндистоннинг подшоҳи бўлди. У деярли ярим аср ҳукмронлик қилди — бу муддат санъатни, умуман маданиятни бўғиб ташлаш учун кифоя эди. Аврангзеб ҳокимлик қилган давр ҳиндуларга беҳисоб изтироб ва аламлар келтирди. Чунки уларнинг ибодатхоналари вайрон қилинди, бут-санамлари йўқ қилинди, диний йиғинлар ман этилди. Адолатсиз бож-хирожлар халқнинг қаддини букиб ташлади. Ҳатто шиалар ҳам таъқибдан четда қолмади. Аврангзеб шиаларга узун соқол қўйишни таъқиқлайдиган фармон жорий қилди ва шиаларнинг соқолини ўлчаб, ортқичасини қирқиб ташлаш учун махсис кишиларни тайин қилди.

У ўйин-кулги ва куй-қўшиқларни таъқиқлаб қўйди. Саройдаги машшоқлар ва раққосалар саройдан қувилди. Махсус кишиларга мусиқа садоси эшитилган ҳар қандай уйга бостириб кириш ва мусиқа асбобларини ёқиб ташлаш ҳуқуқи берилди. Шу тариқа беҳисоб мусиқа асбоблари йўқ қилинди ва машшоқлар очликка маҳжум этилди. Жами раққосаларни эрга бериш ёки салтанат ҳудудидан чиқариб юборишга фармон берилди.

Аврангзебнинг ғам-ғуссадан иборат ҳукмронлик йилларидаги зулматни шеърят ва боғ-роғлар шайдоси бўлмиш қизи Зебуннисога ёритиб турган.

Бу даврга келиб боғ-роғлар барпо қилиш ишларига шаҳзодалар, зодагонлар ва лашкарбошилар аҳамият бера бошлади. Гуллаб турган шафтолилар фонида тасвирланган аёнларнинг суратлари, хусусан, шундан далолат беради.

Ўша даврдаги маълум ва машҳур боғлар ичида Пинжордаги боғ нисбатан яхши сақланиб қолган. Бу боғ Калкий атрофида жойлашган бўлиб, ўз вақтида бир зодагонники бўлган. Келинг, шу боғни бир назардан кечирайлик.

Симлага олиб борадиган йўл Суражпур яқинида тоққа секин-аста кўтарилиб боради-да, бирдан бурилади. Тўқ қизил гулли «ўрмон гулхани» деб аталмиш дарахтлар ва солланиб турган гул-гул гулли толзорлар манзарани жуда очиб юборади. Йўлнинг чап томонида кўриниши қалъани эслатадиган кунгирадор бир деворли иншоот кўзга ташланади. Шу Пинжор боғидир. Боғнинг оқланган дарвозасига қизил гуллар чирмашиб кетган. Ариқнинг икки чеккасида «қирол пальмалари» деб аталувчи пальмалар ўсиб турибди. Тонгги майин шабада уларнинг нозиккина шохларини аста тебратиб турибди. Боғнинг олти тала поғонасига ариқдан сув келади.

Биринчи поғонада «Шиш маҳал», яъни «Шиша сарой» жойлашган. У тўқ зангори осмон фонида турган ярим шаффоф чиғаноққа ўхшайди. Иккинчи поғонада эса икки қаватли «Ранг Маҳал» номли сарой бўлиб, унинг иккала томонидан меҳмонлар учун қурилган хоналар келиб туташган. Ариқдаги сув «Ранг Маҳал»нинг тагидан ўтиб, тоқчали девордан пастга шаршара бўлиб оқиб тушади. Бу

тоқчаларда бир пайтлар хантал (горчица) мойидан ёнадиган чироқлар милтиллаб турган. Чироқларнинг милт-милт ёниши кечаси ялтираб кўринадиган қўнғизга ўхшар ва бу нарса киши кўз ўнгида эртаксифат ажиб бир манзара кашф этарди.

Фаввораларнинг сувлари баландга отилади-да, майда-майда заррачаларга айланиб ҳавога сочилиб кетади. Суражпур ва Қалкийнинг чироқлари юлдуз мисол чарақлайди, ҳавони эса тунда муаттар ҳид таратадиган гул-дарахтларнинг иси тутиб кетади. Ёзда боғда ёсуманнинг нозик ҳиди таралиб туради. Йўлкаларда тизимгул, капалакгул ва бошқа гуллар кўзни қувнатадиган ранглар уйғунлигини ҳосил қилади. Манго дарахтларининг соясида ҳар ер-ҳар ерда нозик ҳаворанг гуллар очилиб ётибди.

Баҳорда бир йиллик ўсимликлар гулга бурканганда ранго-ранг бўлиб жилоланидиган сув поғоналардан шаршара бўлиб оқиб туша бошлайди ва фавворалар отила бошлайди. Шунда Пинжор кишида унутилмас бир тасаввур қолдиради. Ҳақиқатдан ҳам бу боғ Шимолий Ҳиндистондаги энг гўзал боғлардан биридир. Уни 1661 йилда Аврангзебнинг лашкарбошиси Хон Фадойй қурдирган. Боғнинг андозаси Лахўрдаги Шалимар боғидан олинган. Пинжорнинг қадимги номи Пангура бўлиб, беш ога-ини Пандавлар шаҳри, деган маънони англатади. Афсона қилинишича, Кауравлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Пандавлар дунёвий ишлардан воз кечадилар ва ўзларини ихтиёрий бадарга қиладилар<sup>1</sup>. Шу сарсон-саргардонлик вақтида улар Ҳимолай тоғларининг этакларида бир булоққа дуч келадилар ва уни Пинжор деб атайдилар ҳамда шу ерда истиқомат қила бошладилар. Орадан асрлар ўтди ва Пинжор булогининг имкониятини боғ-роғлар ҳаваскори бўлган Хон Фадойй муносиб баҳолай олди.

1823 йилда инглиз сайёҳи Муркрофт боғни келиб кўриб, уни мана бундай таърифлаган эди:

«Боғнинг бир-биридан тош панжаралар билан ажратилган бешта поғонаси жануб томонга қараб пасайиб боради. Боғнинг қоқ ўртасидан ширин зилол сув оқадиган тошдан ишланган ариқ ўтади. Унинг сувини оддийгина мосламалар ёрдамида ҳавзага тик жойлашган чуқурларга йўналтириш ва шу тарихқа бутун поғона юзасига сув бостириш мумкин.

Ҳозир боғда битта катта лимон дарахти, бир нечта терак ва қизил дарахт ўсиб турибди. Бундан ташқари 5—6 ерда лолалар чаман бўлиб ётибди. Боғда 5—6 та зотли бия ҳам боқилади. Боғ дарвозаси олдида хизматкорлар учун иккита шинамгина хона ҳам қолган.

Бу боғ ва унинг теварак-атрофидаги ерлар Патийаланинг ражасига қарашли, лекин у ҳеч қачон бу ерларга таширф буюрмас экан. Боғда ражага дори-дармон тайёрлаш мақсадида озгина атиргул ўстирилар экан».

<sup>1</sup> Гап ҳиндларнинг қадимги достони «Маҳабҳарата» даги воқеалар хусусида кетаяпти. (тарж.).

Боғ узоқ муддат қаровсиз ётиб какликларга макон бўлди. Лахўрдаги «Мўтий (Марварид) боғ» барпо қилдирган боғ-роғлар ишқибози маҳаража Нарендр Сингх Пинжор боғидаги шийшонларни секх услубида қайтадан қурдирди. Миришкор боғбон бўлган маҳаража Адвиндр Сингх боғни тартибга солиб туришга маблағ берадиган манго каби дарахтларни ўтқазди.

Чироқлар ёруғида ажиб бир манзара кашф этадиган бу боғ ҳозирги кунда сайёҳлар ва Чандигарх шаҳри аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган масканга айланган.



\* \* \*

Даврон мени ўтқарди сару сомондин,  
Айирди бир йўли мени хонумондин,  
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин.

\* \* \*

Толиғ йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сари юзландим,  
Ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

\* \* \*

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Ҳар ким бу «Вақойиғ»<sup>1</sup>ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдим.

*Заҳририддин Муҳаммад Бобур*

---

<sup>1</sup> Яъни «Бобурнома». (А. И.).

## «БОБУРНОМА» НИНГ «ЙЎҚОТИЛГАН» САҲИФАЛАРИ

### І Қ И С М

Узилган воқеалар силсиласи 1519 йил воқеалари баёни билан қайтадан бошланади. Шу оралиқдаги воқеалар «Хумоюннома», «Ҳабибус-сияр», «Тарихи Рашидий», «Сулук ул-мулук» ва ёзилган сўзбоши, «Лаббу таворих», «Тарихи Оламароий», «Тарихи Бадаюнӣ», «Тарихи Синд» ва бошқа манбаларда учрайди.

Зикр этилганидан кейин воқеалар узилиб қолган ҳижрий 914 й. даги исён бостирилади. Исёнчилар сони кўпайиб уч мингдан ўн икки мингга етади, бироқ Бобур 500 чоғлиқ йигитлари билан уларни ер ташлатади. Бир жангнинг ўзида исёнкорларнинг беш раҳбари — Али Шабкўр, Али Сейистоний, Назар Баҳодур Ўзбек, Яъқуб Тезжанг ва Ўзбек Баҳодур енгиледи. Бобур тақдирини ҳаддан зиёда умидсизлик чоғидагина намоён бўладиган матонати ҳал қилади. У ҳар жангга кирганда ҳаётини хавф остига қўяр ва душман устига оч йўлбарсдек ташланарди. Бир гал ҳатто бир ўзи одамларидан нари кетиб қолади ва Абдур Раззоқ Мирза билан яккама-якка олишмоқчи бўлади. Мирзанинг ўзи-ку бу даъватни қабул қилмайди, лекин унинг беш нафар беки бирин-кетин олдинга чиқаверади ва Бобур ҳар биттасини битта-битта ер ташлатаверади. Ноябрь ойларига бориб вазият анча тинчийди.

Уша йили бу ёқда Султон Саййидхон Чигатой Бобурнинг паноҳига келади, у ёқда эса Шайбонийхон Султон Маҳмудхон ва унинг олти нафар ўғли, Муҳаммад Ҳусайн Мирза ва бошқа дуглат султонларини тигдан ўтказади.

Ҳижрий 915 йилда ўн бир ёшли Ҳайдар Мирза Дуғлат Бобурнинг паноҳига келади. Авлодда ёлғиз шунинг ўзи қолган эди. Шайбонийхон уни ўлдиришга ҳукм ҳам берган эди, ammo у биронинг қўмагида қочиб қолишга муяссар бўлган эди. Кейинчалик худди шу Ҳайдар «Тарихи Рашидий» ни биттади. Бу асарда Бобурнинг ҳаёти лавҳалари ўта самимият билан баён қилинган.

Бобур ҳижрий 916 йилнинг биринчи ярмини Кобулда осойишта ўтказади. Рамазон ойи (декабрь) да Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Марвда Шайбонийхонни енгибди, деган хабар келади. Хон (яъни Шайбонийхон — тарж.) шоҳдан (яъни Исмоил шоҳдан — тарж.) ҳарбий мадад сўраган эди. Бунга жавобан хон маслаҳат битилган

мактуб жўнатади. Мактубга қўшиб дарвешларнинг коса ва асосини ҳам юборади. Бунга жавоб тариқасида шоҳ моки, ип ва озгина пахта жўнатади, яъни ушбу совгани қабул қилувчи ўзига лойиқ юмушни қилсин — бир чеккада ип йигириб жим ўтирсин, демоқчи бўлади. Шоҳ бу ёқдан ушбу совгани юборади, у ёқдан ўзи қўшин тортади. Шайбонийхон ҳам унга қарши йигирма саккиз минг кишилик лашкари билан чиқади. Бироқ у Марвдан беш чақирим наридаги дарёдан ўтаётган вақтида шоҳ унинг устига бир неча минг сишоҳий ташлаб, кўприкни буздиреди ва ўн етти минг чоғлиқ эрон чавандозлари билан ҳужум қилади. Шайбонийхон қуршовга тушиб қолади. Шунда у дарё бўйидаги харсанг тошлардан иборат бир иҳотага кириб олади, лекин у ер ҳам қуршалганидан сўнг дарёга сакрамоқчи бўлади-ю, йиқилиб тушади ва ўлдирилади. Унинг калласига сомон тиқиб Қустунтунияга жўнатилади. Олтин қошлаган бу калла суяги у ерда узоқ муддатгача катта-катта маросимларда ишлатилиб туради.

Энг хавфли душмани шу тариқа мағлуб бўлганидан кейин Бобурда яна умид учқунлари пайдо бўлади. Унга ота ва ота авлодларининг юртини қайтадан қўлга киритишдек эзгу орсусини рўёбга чиқарувчи эшиклар очилгандек туюлади. Ўзбеклар Амунинг нариги томонига қочиб кетади. Қундуздан Шоҳ Урус қочади ва у ерда ўзбеклардан норози йигирма минг мўғул келади. Бобур Қундузга чақирилади. Қор йўллари тўсиб қўйган эди, фақат Обдаранинг йўли очиқ эди. Бобур шу йўлдан юради. Ийдни Бомийнда нишонлайди. 1511 йилнинг январь ойида Қундузга етиб келади. Ўзларининг хони енгилганидан кейин у ердаги йигирма минг мўғул Шайбонийхон билан бирга юртидан узоқ-узоқларда дайдиб юрган эди. Беш минг чиғатойлар билан бирга қўшилиб, улар Саййидхонни «хоқон» қилиб сайлайди. Улар Бобурни ўлдирмоқчи эди, бироқ Саййидхон унга унамайди. Пиравард-натижада шундай қарорга келинадики, Бобур ҳам Саййидхонни «мўғуллар хони» қилиб тайинлаб юборади-да, Андижонга жўнатади.

У ердан Бобур Ҳисорга кетади. Ҳисорда ўзбек султонлари Меҳди ва Ҳамза маҳкам ўрнашиб олган эди. Улар қаршилиқ кўрсатгани чиқадию бироқ нимадир бўлиб, жанг бўлмайди ва ҳар шккала тараф изига қайтиб кетади.

Бобурнинг опаси иккинчи марта бева қолганидан кейин<sup>1</sup> Қундузда у билан келиб учрашган эди. У билан бирга Шоҳ Исмоил Сафавийдан бир элчи ҳам дўстлик номасини олиб келади. Бунга жавоб тариқасида Бобур Хон Мирзани шоҳ ҳузурига жўнатади ва ундан ҳарбий ёрдам сўрайди. Жуда оғир шартлар эвазига ёрдам берилади. Бу шартлар қуйидагилардан иборат эди: бутун Мовароуннаҳрни қўлга киритгандан сўнг шоҳнинг номини ҳам хутбага қўшиб ўқитиш, тангаларга 12 имомнинг номига шоҳнинг номини ҳам қўшиб зарб этиш ва ўзбекларни йўқотишга ҳаракат қилиш.

Ҳижрий 917 йилда Бобур яна Ҳиротга қўшин тортишни мўл-

<sup>1</sup> Бириччи эри Шайбонийхон ўлганидан кейин Саййид Ҳодий билан иккинчи турмуш қуради.

жаллайди. Қизилсувдаги Нули Самарқанда бир ой жармай суғарилади туради, бироқ кўмакдан дарак бўлмайди. Дарёнинг охирида суғариладиган ўзбеклар ҳам шу тариқа ёрдам қилиб кетган бўлса эҳтимол. Ўз қуни улар кўприкнинг тагидан бу қирғоққа ўтади. Бобур шуни ёнгинасидаги тоғда туриб мудофаага ўтади. Жон-жаҳди билан жанг қилади. Ўзбеклар қаттиқ мағлубиятга учрайди. Ғалаба қуни кечкурун Меҳди, Ҳамза ва Ҳамзанинг ўғли Мамакни тутиб келтирилади ва қатл қилинади.

Ушбу ғалабадан кейин Ҳисор яқинига етиб келинганда Эрон шоҳидан ёрдам келади. Аҳмадбек Сафавий, Алихон Истилжу ва шоҳнинг муҳрдори Шаруруҳ (Шоҳруҳ бўлса керак — тарж.), Султон Афшар кўмакнинг раҳбарлари эди. Улар Самарқанд ва Бухорони қўлга киритишни маслаҳат беради. Бобур «хўп» дейди. Бобурнинг қўшини Қаршидаги Убайдхонга тегмасдан олга қараб юради. Лекин у Бухорони қутқариш учун Қаршидан туриб (Бухорога) юриш қилаётгани маълум бўлиб қолади. Юз чақирим масофагача уни таъқиб қилиб борилади ва талон-тарож қилиб, Туркистонга ҳайдаб юборилади. Самарқандда бир неча султон тўпланган эди, бироқ Бобурнинг бу иккинчи ғалабаси ҳақидаги хабарни эшитиб, улар ҳам Туркистон томон қочиб қоладилар.

Бобур Эрондан ёрдамга келган қўшинни раҳматлар билдириб ва совға-салом билан Бухоронинг ўзиданоқ жўнатиб юборади. Бобур тўққиз йиллик танаффуздан сўнг 1511 йилнинг октябрида Самарқандга кириб келади. Шаҳар Бобурни очиқ қўнгил билан қарши олади. Шу муносабат билан у кайф берувчи ичкиликлар ичмаслик ҳақида берган сўзини бузади.

Шиа мазҳабидаги шоҳнинг шартларини қабул қилишни бутун суннийлар норозилигига сабаб бўлади. У ёқда ўзбеклар ҳали ҳам кучли эди, диний мутаассиблик эса уларнинг кучига-куч қўшади. Бобурнинг атрофидаги юртларнинг ҳаммаси сунний бўлиб, ўзининг фуқароси сунний ва аътиқоди сунний эди. Шунинг учун у ниҳоятда мушқил аҳволда қолади. Ўзига қарашли мутаассибларнинг бундан ҳам кўпроқ бош кўтармаслиги учун ҳаракат қилиб, Бобур яна бир марта Эроннинг норозилигига сабаб бўлади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, давлатини ҳимоя қилишга у ўзини ҳаддан зиёда ожиз ҳис қила бошлайди.

Ушбу йили унинг яна бир (ўғай) синглиси Ёдгор Султон ўзбеклар томонидан қайтиб келади. Ҳижрий 908 йилда тоғаси Шайбонийхондан мағлубиятга учраганида, у Ҳамза Султоннинг ўғли Абдуллатифнинг чекига тушган эди.

Ҳижрий 918 йилда Эрон лашкарларининг қайтиб келиши яна ўзбекларнинг руҳини кўтариб юборади. Улар баҳорда Туркистондан чиқиб, Тошкентга қараб юриш қилади. Бу ёқда Убайдхон ҳам Бухорога қўшин тортади. У «Бобурни ер тишлатиб, яна (сунний) мазҳабни улуғлайман», деб қасам ичган эди.

Бобур Самарқанддан чиқиб, у билан тўқнашиш учун Бухорога қараб юради. Қўшини унақа айтадиган кўп сонли эмас эди. Бори ҳам сунний эди, кўтаринкиликдан асар ҳам йўқ эди. Лекин (Бобурнинг) баҳодирлиги ҳеч қандай огоҳлантиришга қулоқ солдир-

майди. Бобур душман қўноғигача лашкар тортиб боради. Убайднинг қўшини ҳаддан ташқари катта эди. Уртада бўлган жангда ўзбеклар жуда кўп талофот кўради, аммо бари бир улар ғалаба қозонади. Бобур мажбуран Бухородан паноҳ топади.

Энди Самарқандда қолишнинг ҳам иложи йўқ эди. Бобур Фарғонани айланиб ўтиб, Ҳисорга қараб йўл олади. Ўзбеклар у кетиши билан Самарқанд ва Бухорони босиб олади ва июль—август ойларига келиб Ҳисор устига ҳам юриш қилади. Бобур Ҳисор кўчаларида тупроқдан шундай мустаҳкам истехком қуриб олган эдики, буни кўриб ўзбекларнинг оғзи очилиб қолади. Буларнинг осонликча жон бермасликларини сезиб, улар изига қайтиб кетади.

У ёқда эса Эрон шоҳи ваъдани бузгани учун Бобурни жазолашга Назм (Нажм?) Сонийни юборади. Назм Соний ўн бир минг кишилик қўшин билан йўлга тушади. Хуросон чегарасига етганида Бобурнинг мағлубиятга учраб, Ҳисорга қараб кетганини эшитади. У Ҳирот ва бошқа жойлардан яна бир оз куч тўплайди—да, Балхга келиб, шу ерда 20 кун туради. Шу ўртада Бобур ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шоҳдан сўраб ўтирмай у Бобурга ёрдам жўнатади ҳамда сентябрь—октябрь ойларида Бобур Чақчақ дарадан ўтаётганида бир неча чақирим йўл босиб, иззат-икром кўрсатгани унинг олдига келади.

Дарбанди Оҳнийда иккала лашкар қўшилиб, Қаршига қараб юради. Йўлда Ҳузурни оладилар. Қарши турклар шаҳри эди. Қаршилиқлар бугун бўлмаса, эртага ўз ғуқароимга айланади, деган умид билан Бобур ҳаминша бу шаҳарга тегмай келарди. У Назм Сонийни ҳам кўндиришга шунча ҳаракат қилади, бироқ у унамайди. Қаршини босиб олиб, у ўзбеклар турадиган мавзеларнигина эмас, балки шаҳардаги барча 15 минг турк аҳолини ҳам қиличдан ўтказди. Чақалоқлару қарияларни ҳам аямайди. Бу ҳодисадан Бобур ниҳоятда изтироб чекади.

Назм Соний Қаршидан Бухорога кетади. Етиб келишига бир чақирим қолганда қаердандир, эҳтимол Самарқанддан, бир ўзбек қўшини келаётгани ҳақида хабар эшитади. Қўшма лашкар ўша томонга қараб юради. Ғиждувонгача ўзбеклар усталик билан чекиниб-чекиниб боради. Ундан у ёғига чўл бошланарди. У ерларни ўзбеклар беш қўлдай биларди. Тўрт ойгача битта-яримта жанглар бўлиб туради. Қўшма лашкарнинг озиғи тугай бошлайди. Шунда Убайдхон Бухородан чиқиб, Ғиждувондаги ўзбеклар турган қўноққа келиб қўшилади. Унинг лашкари аъло даражада эди. 12 ноябрь кuni Назм Соний қўшини енгилади, ўзи эса ўлдирилади.

Шу урушда Бобур ёрдамга келган эди. У мутлақо урушмайди. Бундан Эрон яна ҳам норози бўлади.

Ҳисорга қайтиб келганидан кейин Бобур шаҳарни қуршаб турганида, бир кечанинг ўзида мўғуллар унга ҳужум қилади. У бир ўзи бир амаллаб қалъага қочиб қолади. Мўғуллар қўноқни талон-тарож қилиб, Қоратегинга қараб кетади. Бобур улар билан келишадиган аҳволда эмас эди. Ҳисорда бир қанча одамларини қолдиради—да, ўзи Хон Мирзанинг ҳузурига, Қундузга жўнайди.

Бобур кетганидан кейин Ҳисорда даҳшатли қаҳатчилик бошла-

нади, ҳаддан зиёда кўп қор ёгади ва бунинг устига мўғуллар шафқатсизларча талайди. Бу ўша Саййид билан Андижонга бормай, Бобур билан бирга қолган мўғуллар эди. Ҳайдар мўғулларнинг бу хойнлигидан илгарироқ, сентябрь—октябрь ойларида Бобур билан хайрлашиб, Саййидхоннинг ҳузурига Андижонга кетади. У ўша ерда ўн тўққиз йил хизматда бўлади.

Ҳижрий 919 йилни Бобур Хишмда ўтказди. Ўша йили Шоҳ Исмоил Сафавий помидан (?) Дев Султон Балхни ўзбеклардан тортиб олади.

Ҳижрий 920 йил Бобур ҳаётида оғир муҳтожликлар йили бўлади. Қундузда умрида энг оғир мусибатни бошидан кечиради. Лекин сабот ва матонатни йўқотмайди. Ота-боболари ер-мулкни қайта қўлга киритишдан умидини узгач, охири мағлубиятини тан олиб, Қобулга қайтиб келади. Бобур ҳаётининг сўнги дамларида шу умид учқуни яна бир марта бир лаҳзагина милт этиб ёнган эди.

Бу галги Қобул сафари чоғида Бобур Хўст (Хост) да тўхтайди, шу ерда қизи Гулранг таваллуд топади. Йилнинг охирида қишда не азоб-уқубатлар билан Қобулга етиб келади. Бу ерда Носир Мирза уни беҳад самимият билан қарши олади ва Қобулни унга топшириб, ўзи Ғазнига кетишга ижозат сўрайди. Унинг бу муомаласидан Бобур ниҳоятда тўлқинланиб кетади.

Ғазнига қайтиб келганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач, ҳижрий 921 йилда Носир Мирза вафот этади ва унинг ўрнини олиш учун ўша ерлик беқлар ўртасида бошланган талаш нимадир бўлиб Бобурга қарши исёнга айланиб кетади. Бундан хабар топган Қосимбекнинг ўғли Қамбарали Қундуздан шошилинч равишда етиб келади. У Ғазнини қутқаришда Бобурга ёрдам беради. Кўплаб исёнкорлар қатл этилади, яна кўплари Қошғарга қочиб қолади. Қочоқлар орасида Шерам Тағойи ҳам бор эди. Саййидхон уни қимсан ҳам демайди, шунда у мажбур бўлиб яна Бобурнинг олдига келади. Бобур унга ниҳоятда зўр мурувват кўрсатади, эски хизматларини инobatга олиб бутун гуноҳларини кечиб юборади. Орадан кўп ўтмай Тағойи вафот этади.

Уруш-жанжалларнинг сабабкори бўлган мўғуллар кетганидан кейин ҳижрий 922 йил Қобулда осойишталик билан ўтади. Бобур ўша йили Гулруҳ Бекчикдан Муҳаммад исмли ўғил кўради. Ҳарбий кўноқда туғилгани сабабли уни Аскарый деб атайдилар.

Бадиуззамон Бойқаронинг ўғли Муҳаммад Замон обдон дунё кезганидан сўнг Шоҳ Исмоилнинг хизматига ўтиб, Балхда яшайди, лекин бу хизматда ҳам узоқ ишлолмайди. Уни Бобур Қобулга чақиради. У ҳижрий 923 йилда Қобулга қараб йўлга ҳам чиқади, бирок Меҳди Хожа уни бир амаллаб Қобулга бориш фикридан айнатишга муваффақ бўлади. У йўлнинг ўзидаёқ Гуржистонга бурилиб кетади. Хондамир ҳам ўша ерда Паштда эди. Иккови Балхга боради. Улар шаҳарни қуршаб олади. Бобурнинг одамлари Иброҳим Пучуқни тутиб олади ва у билан учрашгани келган элчи Урду Шоҳни фириб билан ўлдириб юборади. Бобур Қобулда бу гапларни эшитиб, қаттиқ ғазабланади ва уларни жазолаш учун йўлга чиқади. Бобур у ерга етиб келганида Балх бир ойдан бери қамалда эди.

Мирза унинг келганини эшитиб, чекинади ва Дарагазга қочади. Бобур уни таъқиб қилади, бироқ Ҳерируд дарасидаги Чоччарон ва Гуржистон чегараси ўртасидаги Оқ гумбаздан қайтиб кетади, чунки туркистонликлар Мирзанинг тарафида эди. Шундан кейин Бобурнинг ўзи Ферузкўҳ, Якка Улов ва Ғўр орқали Кобулга жўнаб кетади, лекин бошқалар Мирзани таъқиб қилади ва уни тутиб, Кобулга олиб келади. Бобур унга раҳм қилади. Бир неча ойдан кейин қизи Маъсумани унга никоҳлаб беради-да, Балхга жўнатади.

Бобур ўша йили Қандаҳорга юриш қилади, аммо у ерга етиб борган замонда бетоб бўлиб қоладию уруш қилиш ўрнига сулҳ тузиш йўлини қилиб, қайтиб келади.

Кейинги йили — ҳижрий 924 йили Шоҳ Бекнинг ўғли Шоҳ Ҳасан отаси билан жанжаллашиб, Бобурнинг ҳузурига келади. У икки йил туради. Бу орада Халифанинг қизи Гулбаргга уйланади.

Ўша йили Кобулнинг шимоли-шарқидаги вилоятларга юришлар бошланади — Чағонсарой ва Ҳайдарали Бажўрийнинг Бобоқора дарадаги қалъаси қўлга киритилади.

Шундан буёғи нуқул умидсизликлардан иборат бўлади. Кобулда шухратпарастликнинг чеки-чегараси кўринмасди. Шунинг учун Бобур «илоҳий ишора»га амал қилиб, Ҳиндистонни қўлга киритишга диққат-эътиборини қаратади.

## II ҚИСМ

Шу ерда беш ярим ойдан иборат (1528 йилнинг 2 апрелидан то 18 сентябригача) яна бир узилиш бор. Шу давр воқеалари баён қилинган ёзувларнинг йўқолиб кетишига иккита нарсга сабаб бўлган, деган тахмин бор — биринчиси, 1529 йилнинг 24 май куни бўрон аралаш ёққан сел, иккинчиси, Ҳумоюннинг қочоқда юрган пайтларида унинг кутубхонасида бўлган ёнгин. (Ҳижрий 936—937 йиллар воқеалари баён этилган ёзувлар ҳам шу офат туфайли йўқ бўлган, деган тахмин бор.)

Шу даврнинг узилган воқеаларини бошқа бирон-бир манба асосида улашнинг иложи йўқ. «Бобурнома»нинг ўзидаги кейинги бобларда шунга тааллуқли қуйидаги воқеалар баён қилинган: 1) шарқий патанларнинг «бошини эзиб қўйиш» учун қилган юришида Бобурнинг Жўнпур, Чавса, Жаксар ҳамда Ғозипур оралиғида бўлиши; 2) Сараннинг «юрти»ни Маъруф Фармулийнинг ўғли Шоҳ Муҳаммадга бериши; 3) Рана Санганинг ўғли Бикрамажит билан сулҳ тузиш учун музокара олиб бориши; 4) Гвалиёрда чорбоғ барпо қилиш ҳақида фармон бериши ва 5) қирқ кун касал бўлиши. Бундан ташқари «Бобурнома»да яна қуйидаги воқеалар ҳам тилга олиб ўтилган: 1) Дхўлпур сайри; 2) Аскарининг музокарадан четлашиши; 3) Хожга Дўст Хованд (?)ни баъзи бир оилавий юмушлар билан Кобулга жўнатиши ва 4) Кобулдан келаётган хабарлардан ниҳоятда таъвишланиши.

Шу даврга оид бир манба бор. У Аҳмад Ёдгорнинг «Тарихи Салотини Афғона» асаридир. Бироқ ундаги иккита гапдан биттаси

«Бобурнома» деган сўз билан узилиб қолади, иккинчиси эса тасдиқланмайди. Едгорнинг ёзишича, Бобур Чандерийдан кейин Лахўрга боради ва у ердан Аграга қайтиб келаётганида Панжобда ражпутлар исёнини бостиради. Лекин «Бобурнома»даги хижрий 934 йилнинг биринчи ярми воқеалари баён қилинган сақланиб қолган саҳифаларига «Чандерийдан кейин» деган ибора ҳеч ҳам мос келмайди. «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларида ҳам на Бобурнинг Лахўрга қилган сафари ҳақида бирон бир гап бор ва на ражпутлар исёнини бостиргани ҳақида.

Йўқолган воқеалар баёнидан иккита нарсани билиб олса бўларди: биринчидан, қизиқ бир оилавий можаро сабабини, яъни Бобур нега Мултонда битта ўгли Аскарини четлаштириб, ўрнига иккинчи ўгли Комронни тайинлаганини билиб олса бўларди. Иккинчидан, хасталик кунлари баёнида «Рампур» девонидаги жуда кўп шеърларининг қандай вазиятда ёзилгани маълум бўларди. Хусусан, «Рисолаи волидия» дан кейинги шеърлари бетоблик даврида кўнгил тугёнлари таъсирида яратилганга ўхшайди. Бир қатор махсус шеърлардан бу тўпламнинг биронта дўстига, эҳтимол Хўжа Қалонга, юборилгани аён бўлади. Бобур ўша кунлар воқеалари баёнида ҳам жуда кўп нарсалар ҳақида хабар берган бўлса керак.

### «БОБУРНОМА» НИНГ ЁЗИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Шу ерга келганда изоҳсиз яна бир узилиш бор, у милодий 1520 йилнинг 24 январидан то 1525 йилнинг ноябригача бўлган пайтни ўз ичига олади. Бобур шу даврда ниҳоятда банд бўлган. Шунинг учун («Бобурнома»ни — тарж.) ҳар куни ёзиш имконияти бўлмаган бўлса керак. Балх ва Бадахшонга қилган бир мартадан, Қандаҳор ва Ҳиндистонга қилган учтадан юришлари худди шу даврга тўғри келади. Ҳиндистон юришлари ичида иккинчи юришнинг охиридан то сўнгги, яъни бешинчи юришигача бўлган даврга оид ҳеч қандай маълумот йўқ. Камида икки маротаба патан<sup>1</sup> қабилаларини жазолаш учун боришга тўғри келади. Шунча жойга қўшин тортиш учун тайёргарлик кўриш ҳам керак бўлгандир, албатта. Шу даврда анча-мунча давлатлардан элчилар келиб кетади. Ҳиндистон ва Ҳиротдан бир неча элчи келади. Бобур шу қадар бандлигига қарамай шеърлар ва тарихга оид бир қанча муҳим бадиий асарлар ҳам ижод қилади. Шу борада Бобурнинг эътибори ортади, унинг ҳомийлари орасида ҳақиқий яқдиллик қарор топади. Исёнкорлар бостирилади ёки ўзи тарқаб кетади. Шафқатсиз жазо ҳам ўз ишини қилади. Бир қанча патанлар ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бундан патан халқи енгил нафас олади. Бунинг сабаби шунда эдики, исёнкор патанлар ўз халқига ҳам ҳаддан зиёд зулм ўтказарди. Энди Бобурнинг атрофидагилар унинг Ҳиндистонни забт этишдан иборат мақсадига чин кўнгилдан хайрихоҳлик билдира бошлайдилар. Қобулнинг жа-

<sup>1</sup> Патанлар (ёки патханлар) — пушту тилида сўзловчи афғон қабилаларининг номи; пуштулар (тарж.).

8722



нубидаги вилоят Бобурнинг қўлига ўтгач, Ҳиндистонга тўғри йўл очилади. Орқадан аргунларга бўлган хавф-хатарнинг ҳам олди олинади. Панжобда ҳам Бобурнинг мавқеи анча мустаҳкамланади. Иброҳим Лўдийга қарши Читтўрнинг ражаси Рана Бобур билан иттифоқ тузишни таклиф қилади. Патанларнинг ўзаро уруш-низоларига аралашини илтимос қилиб у ёки бу томон Бобурга мурожаат қила бошлайди. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси Бобур куч-қудратининг асосини ташкил этади.

Кобул, Бадахшон ва Балх Бобур тасарруфида эди. Қочқин мирзалар унинг паноҳига келган эдилар. Энди уларни у ер-бу ерга жойлаштириш зарур эди. Бунинг учун эса катта бир салтанатни қўлга киритиш даркор эди. Хон Мирза Мироншоҳий Бобурнинг номидан Бадахшонда ҳокимлик қилмоқда эди. Милодий 1520 йилда у вафот этганидан сўнг Бобур тахтни ўғли Ҳумоюнга беради. Балхда Муҳаммад Замон Мирза Бойқаро ҳукмдор эди. Унга бу ҳукмдорликни ё Бобур берган эди, ё бўлмаса, Бобур орқали Эрон шоҳи Исмоил Сафавий. Нима бўлганда ҳам асосан Бобурнинг гапи ўтар эди. Мўғулларнинг ҳоқони Мансур эди, бироқ Бобур шу даврда Қошғарнинг мўғул ҳукмдори Султон Саййид Хон Чигатой билан муносабатда бўлади. Ўзбекларнинг ҳоқони Кучум (Кўчкунжи Хон) у вақтда Мовароуннахрнинг ҳокими эди. Эронда Шоҳ Исмоил Сафавий вафоти (милодий 1524 йил) дан кейин унинг ўғли Тахмасп тахтга ўтиради.

Ҳиндистонда Иброҳим Лўдий ички урушлар гирдобида эди. Деҳли салтанати ҳали бир неча йилдан кейин Бобурнинг набираси Акбар ҳукмронлик қилган даврдагидек улкан ва мустаҳкам эмас эди. Уша пайтда Деҳли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирирди. Иброҳим Лўдий ўз амирлари олдида буткул ишончини йўқотган, шафқатсизлик ва жабр-зулмлари туфайли бутун халқ ундан нафрат қила бошлаган эди. Бир қатор патан сардорлари Ганг дарёсининг нариги бетига ўтиб кетган эдилар. Бадаюндан Биҳаргача бўлган оралиқдаги талайгина вилоятлар исёнчилар қўлида эди. Бангол ҳали ҳар жиҳатдан мустақил эди. Малва ва Гужаратда ҳам аҳвол деярли шундай эди. Ражпут ражалари ўзлари бир иттифоқ бўлиб бирлашиб олган эди ва уларнинг раҳбари Рана Санга Бобур билан ҳамкорлик қилишга тайёр эди. Панжоб Давлатхон (унинг номини Бобур нуқул «Юсуфхайл» деб, бошқа муаллифлар эса «Лўдий» деб ёзадилар) ва унинг ўғиллари Диловархон ҳамда Опоқ Ғозихон тасарруфида эди. Бир қанча патан сардорларининг бошига тушган кулфатларни кўриб, улар саросимага тушиб қолишади. Улар нима қилиб бўлса ҳам Деҳлининг қўлидан чиқинини хоҳлардилар. Шунинг учун улар Бобурнинг тасарруфига ўтиш учун қайта-қайта мурожаат қиладилар ва «келиб бизни озод қилинг» деб ўтиниби сўрайдилар. У ёқда ёпи етмишга кириб, кексайиб қолганига қарамай Иброҳим Лўдийнинг амакиси Султон Ало-виддин Оламхон Лўдий ҳам Деҳли тахтига кўз тикиб турган эди. Шунинг учун ҳам Бобур паноҳига ўтишга тайёр эди. Бобурнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун бундан ортиқ яна қақдай қулай шароит бўлиши мумкин?

Худди мапа шу шарт-шароит Бобурнинг буғдан вабодани билан йилу ўн ой мобайнидаги ҳарбий-сўғиш юмушларини баъзан бундай бўлади. Ҳижрий 908—909 ва 914—925 йил воқеаларини баъзан баъз фойдаланган манбалар ва хусусан, «Ҳабитул-сиёра» асарлари шу даврга оид бир қанча воқеаларни жамласа бўлади. Бу вақтларда лигида юз берган Бобур билан боғлиқ ноқон-ҳодисаларни назардан ўтказиб чиқилса, қуйидаги манзара намоёни бўлади:

Ҳижрий 926 йил (милодий 1519 йилнинг 23 декабридан 1520 йилнинг 12 декабригача):

Бобур Ламғондан қайтгач, лашкар тўплаб, тайёргарлик кўрган-дан сўнг Ҳиндистонга қўшин тортади. Ўғли Бажўрдаги қўғолоғни бостиради. Яна аввал ўтган дарадан ўтиб, Синдҳни кесиб ўтади-да, Сиялкотга ҳужум қилади. У ердагилар таслим бўлади ва шу тариқа ўз жони ва мол-ҳолини сақлаб қолади. У ердан Бобур илтари қараб юради ва Саййидпурга келади. У ердагилар қаршилик кўрсатади. Шунинг учун улар қиличдан ўтказилади.

Шунда унга Шоҳ Бек одамларининг авзойи бузуқ, деган хабар етиб келади. Шоҳ Бек билардики, Бобур ундан устун турарди. Ўғли Ҳасан бир йилдан бери Бобурнинг хизматида эди. Шу сабабли у Бобур билан тўғридан-тўғри тўқнашишни истамасди. У Болон Дара орқали Синдҳга қараб кетмоқда эди. Лекин шу билан бирга Бобурни тор-мор қилиш мақсадида махфий равишда Эрондан ёрдам ҳам сўраб турарди. У бирор одамнинг номини хутбага қўшиб ўқитган-ўқитмагани маълум эмас, аммо ундан кейин ўғли Бобурнинг номини хутбага қўшиб ўқитгани аниқ.

Бобур Қандаҳорга қараб юради, лекин бу шаҳарни қўлга киритиш осон эмас эди. Шаҳар учта тепаликка жойлашган бўлиб, ҳар бирига минора қурилган ва улар мустаҳкам ихота қилинган эди. Энг чеккада энг баланд тепалик бўлиб, ундаги минорага деярли йўлаб бўлмасди. Ундан пастроқда, ўртадаги тепаликда бир арка бор эди. Арканинг тагидаги пасттекиликда шаҳар кафтдек ястаниб ётарди. Шаҳар уч қатор девор билан қуршалган эди. Энг баланд йўлаб бўлмас тепаликда ҳар бири уч минг квадрат газ келадиган иккита сув ҳавзаси бор эди. Шу ҳавзалар шаҳарни сув билан таъминлаб турган бўлса керак.

Бобурнинг қўшини шаҳарни икки йил қамал қилиб туради. Суранг ва тош отиш кенг қўлланилади. Диаметри бир тирсак-бир тирсак тошлар «манжаник» деган мосламага қўйиб отиларди. Бу каби қурооллардан ташқари очарчилик ҳам Бобурга бир оз қўл келади, лекин барибир ғалабага эриша олмади. Тир (июнь) оyiда қамал тўхтатилади. Қамални тўхтатишга очарчилик туфайли тарақалган вабо сабаб бўлади. Шаҳарни қамал қилиб турган Бобурнинг лашкари ҳам вабодан талофот кўради. Қандаҳорликларнинг айтишича, вабо ҳамisha бу шаҳарга кўмакдош бўлган.

Шоҳ Бек қамал тўхтатилганидан кейин яна Синдҳга қараб қўшин суради. Унинг собиқ қули, эндиликда эса лашкарбошиси Меҳтар Самбҳал Қандаҳорни озиқ-овқат билан таъминлашни қайтадан йўлга қўйиб юборади.

Шоҳ Бек қамал пайтида Бобурга қаршилик кўрсатиш учун

қалъадан чиқмасди, ичкарида қалъа мудофасини мустаҳкамлаб ётарди. Бобур эса устма-уст зарба берарди. У чавқар отида қалъа деворига яқин борарди-да, ўқ уздирарди. Жанг қалъа дарвозаси ёнидагина бўларди. Қандаҳорликлар камон-қилич ва найзадан ташқари тош отишда ҳам моҳир эди, бироқ ҳар гал тўқнашув бўлганда, Бобурнинг қўли баланд келар, Шоҳ Бекнинг одамлари эса қалъага қочиб кириб кетар эди.

Ҳижрий 927 (милодий 1520 йилнинг 13 декабридан 1521 йилнинг 30 ноябригача): Шу орада Бадахшонда Хон Мирза вафот этади. Бу хабардан Бобур қаттиқ қайғуга ботади. Хон Мирзанинг ўғли Сулаймон ҳали ёш бола эди. У онаси Султон Нигор Хоним билан бирга Қобулга келади. Бобур Ҳумоюнни Бадахшонга ҳоким этиб тайинлайди-да, ўзи «гарм сайр» юртларга (қиладиган юриш учун — тарж.) ҳарбий ва бошқа жиҳатлардан тайёргарлик қўришга киришиб кетади. Қандаҳорни қамал қилиб турганида ҳам бир неча кичикроқ-кичикроқ юришларга бошчилик қилиб туради.

Ўша пайтда Ҳирот «ҳокими» Тахмасп олти-етти яшар бола эди. Унинг номидан ҳокимиятни Амир Хон бошқарар эди. Амир Хоннинг ёрдамчиси Амир Ғиёсиддиндан «Бобурнинг тарафдори» деб гумон қилиниб, қатл қилинади. (Кичик) Жияни Ғиёсуддин Қандаҳорда эди. Орадан бир йил ўтгач, у Бобурга Қандаҳорнинг калитини топширади ва бир неча йилдан сўнг эса Ҳиндистонга бориб, унинг хизматига ўтади. Ҳиротдан Бобурнинг ҳузурига элчилар келади. Уларнинг муддаоси «энди Шоҳ Бекка кўп азият бермасангиз» дейишдан иборат бўларди. Бу элчилар Шоҳ Бекнинг шахсий илтимосига кўра юбориларди. Бироқ уларнинг Хуросондаги маъқеи омонатлиги ва уларнинг форс подшоҳлари Рум султонларига қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилаётганидан Ҳирот тапвишда эди. Лекин Бобурнинг Хуросон билан ҳеч қанақа иши йўқ эди. Унинг бирдан-бир мақсади Ҳиндистонни забт этиш эди. Қандаҳорни қўлда ушлаб туриш ҳам ана шу мақсад учун керак эди. Эҳтимол Бобур ҳузуридаги қувғинди мирзалар кўнглидан ҳали Хуросонга қайтиш орзуси кетмаган ва шу сабабли Амир Хон ташвишга тушган бўлса керак. Бобурийлар Қандаҳорни қўлга киритганидан сўнг улар учун Хуросонга йўл очилади. Худди шу сабабли у тапвишга тушган эди. Аслини олганда Ҳирот, Қобул ва Ҳиндистон учови учун Қандаҳорнинг қудрати зарур эди. Шунинг учун бир йилдан бери элчи устига элчи келарди. Элчилар айтадиган гапнинг мазмуни қуйидагича бўларди: «Шоҳ Бек аслида жазога лойиқ шахс, бироқ у қилмишидан пушаймон, у вафодор бўлиш ва бир йиллик бож тўлашга рози. Шунинг учун Бобур қамални тўхтатсин-да, Қобулга кетсин».

Бунга Бобур қуйидагича жавоб беради: «Шоҳ Бекнинг ваъдаларига ким ишонади? Иншооллоҳ, мен Қандаҳорни оламан-да, Шоҳ Бекни Ҳиротга жўнатаман. Ана ундан кейин Қандаҳорни ва «гарм сайр» юртни сиз кимга десангиз, ўшанга топширишга тайёрман». Бу «Қандаҳор масаласида қарорим қатъий», деган гапнинг ўзгинаси эди. Амир Хон бу жавобдан қониқмайди. Лекин ўша вақтда уларнинг олдида бошқа бир ташвишли масала кўндаланг бўлади. (Милодий 1521 йилнинг март—апрель ойларида Убайдуллоҳон

Ҳиротга юриш қилган, деган тахмин бор.) Шу таъбирининг қўлдан келганидан сўнг у яна Бобур билан музокара олиб боради. Бу ҳақда ёридан чунки «Ҳабибус сияр»да ёзилишича, Бобур худди шу музокарадан сўнг қамални тўхтатган.

Ҳижрий 926 йил (милодий 1521 йилнинг 1 декабридан 1522 йилнинг 20 ноябригача): Бобур шу йилнинг боши ёки ўтган йилнинг охирида Моҳим билан бирга бир неча қўшга Ҳумоюннинг олдидан — Бадахшонга боради. Уша пайтда Ҳумоюннинг ўзи Файзаободда бўлган бўлса керак.

Қамал тўхтатилгандан кейин Шоҳ Бек Қандаҳорни Абдул Боқийга топшириб, ўзи Сивийга қараб жўнаб кетади. Абдул Боқий Бобурни чақиртиради-да, Гийосиддин орқали унга Қандаҳорнинг қалитини топширади. Ҳиротдан келадиган элчиларнинг ҳали ҳам кети узилмай турган эди. Охириги элчи ҳали Ҳиротга етиб улгурмаган ҳам эдики, Бобурнинг бир одами совға-салом билан келиб, «Қандаҳор олинди» деган хушxabарни етказди. Қандаҳор ҳижрий 928 йил 13-шабонда (милодий 1522 йилнинг 6 сентябри) олинади. (Бу ҳақда «чиҳилзина» да ўйиб ёзилган).

Шу йил Бобур адабий фаолият билан ҳам ниҳоятда банд бўлади. У Комронга таълим бериш мақсадида<sup>1</sup> икки минг мисрадан иборат бир туркий шеърый китоб ёзади. Уша китобнинг номини Абулфазл ва Бадаюн «Мубаййин» («Тупшунтириш») деб атаган. Шунинг учун бу китоб шу ном билан маълум ва машҳурдир. Китоб асл нусхасининг қўлёзмасида қуйидаги байт бор:

Чу баён қилдим онда шарият  
Не ажаб гар мубаййин дедим от.

Бу ерда «шарият» ва «мубаййин» сўзларининг асл маънолари (мос равишда «аниқ ва соф йўл» ҳамда «аниқ») ёрдамида ҳайратомуз бир маъно қасб этилган. Бироқ «Нафойисул-маосир»да айтилишича, китобнинг номи «Дар фикҳи Мубаййин» («Шарият баёни»)дир. Бу асар «Фикҳи Бобурий» («Бобурнинг диний йўл-йўриқлари») ёки «Бобур хотиралари») деб ҳам аталади. Шайх Зайн<sup>2</sup>нинг «Мубаййин» номи билан шу асарга ёзган шарҳи ҳам мавжуд. Милодий 1529 йилда Бобур Хожа Яҳёнинг набираси Хожа Қалонга «Бобурнома» дан нусха юборганида, эҳтимол, унга қўшиб «Мубаййин» дан ҳам юборган бўлса керак (ҳижрий 935 йил воқеалари баёнига қаралсин).

Шу йили «Бобурнома» нинг ҳижрий 925—926 йил воқеалари қўшма-қўш битилган. «Бобурнома» нинг мавжуд қисмларидан энг биринчи бўлиб худди шу қисм ёзилгандир. Бу қисмда кейинги

<sup>1</sup> П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ида (375-б.) бу китоб Ҳумоюн учун битилган, деб қайд этилган. (тарж.).

<sup>2</sup> Шайх Зайнуддин Хафавий — Бобурнинг мусоҳиби, бир қатор ҳолларда котиби. Унинг бир қанча зафарларининг тарихнависи, Деҳли устидан қозонган ғалабасига аталган «Фатҳнома» муаллифи. Форсийда «Табқоти Бобурий» номи билан ниҳоятда нафис асар битган бўлиб, унда «Бобурнома» нинг мавжуд ёки мавжуд бўлмаган қисмлари таржима қилиб келтирилган.

воқеаларга шарҳлар ҳам бор. Бобур ушбу бобни силлиқлаб таҳрир қилиб, китобга киритмоқчи бўлгани бир қатор сабабларга кўра аёндир. Шу бобда тилга олинган даврдан олдинги — ҳижрий 899—914 йил воқеалари баён қилинган қисм эса бундан ўн йил кейин битилган.

Бобурнинг бир девони ҳижрий 925 йилдан аввал ёзиб тугатилган эди. Ушани Пўлат Султонга юборилган эди. «Абушқа»<sup>1</sup> номли бир туркий луғатда сўзларнинг ишлатилишини кўрсатиш учун шу биринчи девондан бир неча мисоллар келтирилган. Бобурнинг Рампур кутубхонасидаги девони ушбу девондан фарқ қилади ва у кейинги даврда битилган асарларни ўз ичига олади.

Ҳижрий 929 йил (милодий 1522 йилнинг 21 ноябридан 1523 йилнинг 10 ноябригача): Ҳиндистон ихтилофлар гирдобиди эди. Давлатхон Юсуфхайл (ёки Лўдий) ва Аловуддин Оламхон Лўдий Султон Иброҳим Лўдийга қарши Бобурдан ёрдам сўрайди. Пушту шоири Қўшулхон Қўхатак «Бобурни Деҳлига патанлар султон қилди», деб бежиз айтмаган.

Аҳмад Ёдгорнинг «Тарихи Салотини Афғона» асарида ёзилишича, Давлатхон бир қанча сабабларга кўра Иброҳим Лўдийдан қаттиқ чўчирди. У ўгли Диловархонни Кобулга қуйидаги мазмундаги нома билан жўнатади: «Иброҳим Лўдий аблах, пасткаш ва золимдир, қўшин ва лашкарбошилари ундан хафа ҳамда норозидирлар».

Диловархон Кобулга Комроннинг тўйи бўлаётган бир пайтда етиб келади. Бобур ундан сўрайди: «Сен шунча пайт тузини ичган хонадонни нечук тарк этмоқдасан?» Диловархон бундай деб жавоб беради: «Биз қирқ йил Лўдийлар салтанатининг устуни бўлиб келдик. Лекин энди Иброҳим Султон Искандарнинг амирлари билан қўпол муомалада бўлмоқда. Йигирма биттасини-ку ўлдириб юборди — бирини осди, бирини тириклайин кўмди. Шунинг учун ҳозир барча амирлар юрагини ҳовучлаб қолган. Бир қанчалари гапни бир ерга қўйиб, мени шу ерга юборишди. Улар сизнинг йўлингизга кўз тикиб ўтиришибди ва сизнинг ҳар қандай ҳукмингизни бажо келтиришга ҳозир у нозир».

Бобур эртаси куни номоз устида Ҳиндистон ғалабаси учун дуо қилади. У бундай дейди: «Манго ва пан Ҳиндистонга хос неъматлардур. Агар манго ёки пани битта-яримта менга тортиқ қилсайди, мен уни яхшилиқ нишонаси сифатида қабул қилган бўлурдим». Давлатхон Ҳинддан хом манго юборган эди. Уша манголари Бобурнинг олдига келтирилади. Бобур бундан бениҳоя хурсанд бўлади. У буни яхшилиқ белгиси деб қабул қилади-да, Ҳиндистонни забт этишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Кунини аниқ айтиш қийин-ку, бироқ етмиш яшар Аловуддин Олам Хон ҳам ўша йили Кобулга келган бўлса керак. Оламхонни ҳам Иброҳим Лўдийга қарши ёрдам берилади, деб ишонтирилади.

<sup>1</sup> Абушқа — изоҳли луғат. Мир Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун XVI асрда Туркияда тузилган. Навоий замондошларининг асарларидан мисоллар келтирилган. (тарж.).

Шу йили ёки кейинги йили Дилларнинг учинчи кели Гулбадан туғилади. Кейинчалик Гулбадан «Аббарнома» га маълумот берган нуқтаи назаридан жияни Акбарнинг кўрсатмасига бинери «Худуднома» ни ёзади.

Ҳижрий 930 йили (1523 йилнинг 21 ноябрдан 1524 йилнинг 28 октябргагача): Бобурнинг Ҳиндистонга тўртинчи бор кўшиги тартишининг икки муҳим жиҳати бор эди. Биринчиси шуки, Иброҳим Лўдийдан норози патанлар Бобур тарафига ўтган эди. Иккинчиси эса, Оламхоннинг ёрдами билан тўғридан-тўғри подшоҳ Лўдийга ҳужум қилиш бу юришнинг мақсади, деб эълон қилиниши эди.

Бобур Синдҳни кесиб ўтганидан кейин Канар қирликлари орқали Жехлам ва Чиноб дарёларини кечиб ўтади-да, тўнна-тўғри Лаҳўрга қараб юради. У ёқдан эса Деҳли подшоҳи тарафидан Давлатхонга жазо бериш учун Биҳархон<sup>1</sup> Лўдий Лаҳўр томон қўшини тортиб келмоқда эди. Ундан қўрққанидан Давлатхон Лаҳўрни ташлаб Мултон балуж<sup>2</sup> ларининг орасига кириб кетади. Лаҳўрга беш кўсча қолганда Бобур Биҳархон билан тўқнашади. Биҳархон енгиледи, қанчадан-қанча одами ўлади. Қолганларини Бобур Лаҳўргача қувлаб боради. Лаҳўрга кириб бориб, шаҳарни талайди ва бир қанча бозорларга ўт қўйдиради.

Лаҳўрда тўрт кун туриб, жанубга қараб қўшин суради-да, Дипалпур («Бобурнома»да — Диболпур — тарж.) га ҳужум қилади. Дипалпурликлар унга қаршилик кўрсатади. Бундан газабланган Бобур шаҳарни талайди ва шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказди. Шайх Зайн ва Мир Гесу Дипалпурнинг устидан қозонилган ғалаба сапасини ҳижрий 930 йил деб кўрсатганлар.

Бобур Дипалпурдан Саҳринд (Сарҳинд) га қараб юради. У ерга етиб келишидан олдинроқ шундай хабар оладики, Лаҳўрга қайтишга мажбур бўлиб қолади.

Дипалпурда Давлатхон ўғиллари билан бирга Бобурга келиб қўшилади. Бобур унга Лаҳор тахтини қайтариб бермайди. Унга ўзи овоз қилган Жаландҳар ва Султонпурни беради. Бундан у ичидан қуйиб кетади. Унга жазо беришга келган қўшин тор-мор этилиб бўлган эди. Шунда у (яъни Давлатхон — тарж.) «Бобурдан қутулмасам бўлмас экан», деган фикрга келиб қолади. Шу хаёл билан Бобурга найранг ишлатмоқчи бўлади. У қуйидаги ёлғон хабарни юборади: «Нарироқда сиз билан тўқнашишга тузуккина қўшин пистирмада ётибди. Лашкарбошингизни юбориб, уларни тўзғитиб ташласангиз мақсадга мувофиқ бўларди». Бобур бу маслаҳатдан кейин тегишли тайёргарликни кўраётган ҳам эдики, у ёқда Давлатхоннинг ўғли Диловархон «Булар сизни алдаяпти, буларнинг гапига қира кўрманг. Булар сизнинг лашкарингиз тарқаб, кучи қисқаришини истайдилар» деган махфий хабар юбориб қолди. Бобур шартта Давлатхон ва унинг ўғли Опоқ (Ғози) Хонни қўлга олиб, қамаб қўяди. Бироқ, улар қамоқда кўп бўлмайди. Сал

<sup>1</sup> «Бобурнома» да (120-бет) /Паҳархон, дейилган (тарж.).

<sup>2</sup> Балужлар — балуч ёки балочлар — Ҳозирги Афғонистон, Покистон, Эронда яшовчи халқ номи. Покистонда Балужистон деган вилоят бор. (тарж.).

қунда озод қилиб, уларга Султонпур топирилади. Улар озод бўлишни биланоқ Султонпурга бориш ўрнига тоққа қараб қочади ва Панжобга ҳужум қилиш учун қулай имконият келишини пойлаб ётади. Уларнинг вилояти Диловархонга берилади. Шундай бўлишига қарамай ҳали ҳам кескинлик сақланиб турарди. Бобур шундай бир вазиятда олға қараб юришни маъқул кўрмайди ва Сатлуж дарёсини кесиб ўтгандан кейин Лахўрга қайтиб келади. Панжобни эски дўстларига топиради-да, ўзи Қобулга қайтиб кетади. Ўзбекларнинг Қобул устига юриш қилиб келаётгани ҳақидаги хабар айни ўша пайтда етиб келган бўлса керак ва шу нарса Бобурнинг Қобулга қайтиб кетиш сабабларидан бири бўлган бўлса, эҳтимол.

Абдул Азиз Мирохўр Лахўрга, Хусрав Қўқалтош Сиялкотга, Муҳаммад Али Тожик Қаланурга ва Оламхон Лўдий ва Бобо Қашқа Мўғул Дипалпурга Бобур номидан тайин этилган эдилар.

Рум султонидан енгилгани аламидан Эрон шоҳи Шоҳ Исмоил Сафавий шу йил 23 май куни ҳамда кўкаси Фозилнинг ўлими гамида Шоҳ Шужо Аргун дунёдан кўз юмади. Синдҳда Шоҳ Бекнинг валиаҳд ўғли Ҳасан Бобур номига хутба ўқитади ҳамда шу йили ёки келаси йили Халифанинг қизи Гулбаргга уйланиб, Бобур билан алоқасини яна ҳам мустаҳкамлайди. Бу ёқда эса Халифанинг ўғли Муҳиб Али ҳам Қосим Қўқалтош ва Моҳчучук Аргуннинг қизи Ноҳидга уйланади.

Шу йили Бобур Ҳиндистондан банан олиб келтиради ва Одинапурдаги Боғи Вафога эктиради. Боғи Вафо ҳақидаги қисмга қаранг<sup>1</sup>.

Ҳижрий 931 йил (1524 йилнинг 29 октябридан 1925 йилнинг 17 октябригача): Бобур Қобулга қайтган заҳоти Давлатхон тоғдаги пистирмасидан чиқади. У ўғли Диловарни тутиб қамаб қўяди, Султонпурни қўлга олади. Кейин каттагина қўшин тўплайди-да, Дипалпурга юриш қилиб, Оламхон Лўдийни ҳам тор-мор этади. Лекин Бобур Синдҳнинг бу томонида замин ҳозирлаб кетгани зоетмайди. Лахўрдаги Бобур тарафдорлари Давлатхонга ҳужум қилиб, уни мағлубиятга учратадилар.

Иброҳим Лўдий ҳам Панжобни қайта забт этиш учун қўшин юборади, бироқ у қўшин ичидаги низо ва порозиликлардан Давлатхон ўз манфаати йўлида фойдаланади. Панжобнинг бир қисмини ўзи босиб олади, қолган қисмларини эса обдон тинқасини қурилади.

Дипалпурда енгилган Оламхон Лўдий тўппа-тўғри Қобулга қараб қочади. Бобур «агар сен Деҳлига подшоҳ бўлсанг, унда Лахўр ва Лахўрдан бу ёқдаги жамики ерлар менинг тасарруфимда бўлади», деган шарт билан унга ёрдам беришга ваъда беради. Унга қўшин берилади ва кўмак бериш учун Лахўр беклари номига фармон битилади. Бобур бундай дейди: «Сен боравер, мен ҳам кетингдан бораман». Бобурнинг Оламхон билан бўлган муносабатлари шундан кейинги ҳижрий 932 йил воқеаларида баён қилинади. (Чунки бутун тафсилотлардан Бобур ўшанда хабар топади).

<sup>1</sup> Паҳорхонни босиб Лахўр ва Диболпурни фатҳ қилган йил кила келтуруб, эктириб эдим, сабз бўлиб эди. («Бобурнома», 190-б.).

Ўзбек султонлари ва хонлари Балхин қуриш тургани сабабли Бобур сўз берган бўлишига қарамай бу ёққа келолмади. Балхин қамалдан озод қилиб қайтганидан кейингина 1525 йилиги 17 ноябрда Бобурнинг Ҳиндистонга қилган бепишчи ва сўнги зафаран юриши бошланади.

Аловуддин Оламхон Лўдийнинг Кобулдан муваффақиятли музокара билан қайтганини эшитган Давлатхон у билан битим тузади. Бобур Оламхоннинг бу ишини ваъдани бузиш ва хиёнат деб тушунади ва Оламхон Лўдий Давлатхон билан битим тузиб биз билан тузган шартномасини ўзи йўққа чиқарди, деган хулосага келади.

Айтишларича, Деҳлига етиб келгунча Оламхоннинг қўшинидаги отлиқлар сони қирқ мингга етиб қолган эди.

### «БОБУРНОМА» НИНГ УНУТИЛГАН САҲИФАЛАРИ

Шу даврда муҳим бир воқеа содир бўлди, у ҳам бўлса Ҳумоюннинг кутулмаганда ташриф буюриши эди. (Милодий 1529 йилнинг кузагида) Ҳумоюн Зафар қалъадан (Бадахшонга қараб) йўлга отланганида, у ердагилар саросимага тушиб қолди. Беклар деди: «Шундоқ чегарада ўзбеклар туришти. Агар сиз кетиб қолсангиз, мамлакатни мудофаа қилишни биз эплай олмаймиз». Шунда Ҳумоюн бундай деб жавоб берди: «Гапларингиз-ку тўғри, лекин мен нима қилай? Мен бу ерда қола олмайман, бормасам бўлмайди. Шунинг учун ўрнимга уч-тўрт кун ичида биронта мирзани жўнатур-мен».

У отини тўхтатмай йўл юриб, бир куннинг ўзидаёқ Кобулга етиб келди.

Ҳумоюн кетганидан сўнг Зафар қалъадагилар ваҳима ичида қолди. (Баъзи бир) беклар Кошғарнинг ҳокими ва Бобурнинг тоғаваччаси Саид Хон Чигатойга чопар юборди. Улар унга юборилган мактубда бундай деб ёзади: «Қалъа Фақир Алига топширилган, бироқ у ўзбекларга дош беролмайди. Шу сабабли қалъани ўз қўлингизга олишингизни сиздан ўтинамиз. Бир ёғи (бувингиз) Шоҳ Бегим Бадахший туфайли сизнинг ота томондан бундай қилишга ҳаққингиз ҳам бор».

Мамлакат ҳақиқатан ҳам танг аҳволда экан, деб ўйлади хон. У ҳижрий 936 йилнинг муҳаррам ойида (Мелодий 1529 йилнинг сентябрь—октябрь ойлари) Кошғардан йўлга чиқиб, Сариқ чопонгача келди. Бу вилоят илгари Бадахшонники, эди, лекин энди унга қарашли Кошғарнинг энг чекка ғарбий вилояти эди. Ўша ердан туриб у («Тарихи Рашидий» нинг муаллифи, Муҳаммад) Ҳайдар Мирзо (Гўргон Дуғлат) ни жўнатди. Ҳумоюн Кобулдан туриб жўнатган (10 ёшли) Ҳиндол ўн икки кун бурун қалъага етиб келганидан Ҳайдар йўлдаёқ хабар топади.

Кошғарлик қийин вазиятда қолди: бир ёқда қалъада Бобурнинг вакили бор эди. Бобур билан душманлик тўғрисида гап ҳам бўлиши



мумкин эмасди. Иккинчи ёқда эса қор ёға бошлаган, йўллар қиш бўйи беркилиб қолиш хавфи бор эди. Чунончи, Ҳайдар қишлов талаб қилди. «Бироқ улар бизга ишонмадилар. Улар бизни алдайди, деб ўйладилар». (...Ҳайдар, «Тарихи Рашидий»).

Шубҳа асосли эди. Аввал бир марта (Мелодий 1519 йилда) кошғарликлар Бадахшонга ҳужум қилган эдилар. Музокаралар натижасиз тугади. Ҳайдар теварак-атрофдаги вилоятларни талон-тарож қилди. Қолган-қутганларини эса хоннинг ўзи келиб талади. Улар уч ой қалбани қамал қилиб туради, бироқ ҳеч қанақа уруш қилмайди. Уларни чақиртирганлар «Ҳиндол келгани туфайли энди чорамиз қанча» деган мазмунда нома юборади. Хон уларга қуйидагича жавоб жўнатади: «Бобур билан душманликни биз ҳаёлга ҳам келтира олмаймиз. Бироқ мамлакатга ўзбеклар келса, бизга нисбатан Бобур кўпроқ зарар кўради. Сизлар бизни таклиф қилдинглар. Биз шунинг учун келган одамлармиз. Ўтган ишга савабот. Энди уй-уйимизга кетганимиз маъқул». (эътибор беринг: Султон Вайс Кўлобий Ҳиндолга кўмакка келган эди.). Шу жавобни жўнатиб, у қайтиб кетади ва эрта баҳорда Еркентга етиб келади.

Ҳумоюн Бақрийд (Қурбон ҳайит) дан олдинроқ Қобулга етиб келган бўлса керак. Ўша куни у Қобулнинг Ййдоғида Комрон билан учрашди. Комрон ийдни нишонлаш учун келган ёки бўлмаса, Ҳумоюннинг келганини эшитиб. Ёхуд бирон-бир ўзгариш бўлади, деб қўрққан бўлса керак. (Ахир у Қобулга кўз тикиб турган эди). У Ҳумоюндан «нега келдингиз?» деб сўрайди. Ҳумоюн «дадамни кўриш ниятида Аграга кетаянман» деб жавоб берди. Иккала ака-уканинг маслаҳати билан Ҳиндолни Бадахшонга жўнатилади. (Ваҳоланки уни Ҳиндистонга жўнатиш ҳақида фармон бор эди.).

Абулфазлнинг ёзишича, Ҳумоюннинг Аграга келиши, Алвор<sup>1</sup>нинг гам-аламида қуйиб ўтирган оилани ниҳоятда хушнуд этади. Лекин шу гап ҳақиқатга унча мос келмайди. Бобурнинг ўша хатига қарамай Ҳумоюннинг ўзи ҳоким этиб тайинланган вилоятни ташлаб келиши ўта лоқайдликдан бошқа нарса эмас эди. У ерда ҳам вазият ниҳоятда оғир эди. Шундай бир шароитда ҳамма нарсани унутиб кўнгилхушилик қилиш Бобурнинг табиатига мос келадиган гап эмас. Бобур Халифани Бадахшонга юбормоқчи бўлади, бироқ у рози бўлмайди. (Бундай қилишдан Бобурнинг кўзлаган сийёсий мақсади Халифанинг Бадахшон учун энг мақбул номзод эканлигигина бўлмаса керак. У барлос туркларидан, шунинг учун Ўрта Осиёни қайта забт этишда фойдаси тегади, деб албатта кўзда тутган бўлса керак). Қайтиб кетиш ҳақида Ҳумоюннинг қўйнига қўл солиб кўради, бироқ у хоҳиш билдирмади. Шунда Бобурнинг хаёлига ўз холаваччаси Мирза Хон (Вайс)нинг ўғли Сулаймон (Мирза Мироншоҳий — Темурий барлос туркларидан эди) келади. Ҳижрий 936 йилда Бобур отадан етим қолган бу болани ўз паноҳига олган эди. Ўша бола ҳозир ўн олтига кирган эди. Шу ўспирининг олдида бурчини адо этиш унинг учун ҳам қарз эди, ҳам фарз.

<sup>1</sup> Алвор — Бобурнинг Дилбар бегимдан кўрган фарзанди, болалигидаёқ вафот этган. (тарж.).

Бунинг устига унинг отаси бир найтлар Бадахшоннинг ҳоқими ҳам ўтган эди.

Сулаймон тезда йўлга равона бўлади. Бобур у билан бирга (биз изма-из) Лаҳўргача боради. Бобурнинг бундай ишларидан маънафидани уни эсон-омон манзилга элтиб қўйишигина эмас, Саййиддин ашрафнинг ҳам бўлган бўлса аҳтимол. Ҳумоюнни Самбҳалга жўнатилди, Самбҳал уники эди.

Саййид ҳоқим этиб тайинланганидан сўнг Бобур унга хат ёзади. Хайдар шу мактубнинг мазмунини келтиради. Мактубда Саййиднинг Бадахшонда қилган ишларига таажжуб ҳамда газаб билдирилган эди. Хатда бундай дейилган эди: «Ҳиндолни чақириб, ўрнига Сулаймонни жўнатиляпти. Агар сен ота ҳаққи деган нарсани тан оладиган бўлсанг, унда «Сулаймон Шоҳ Мирза» га Бадахшонди яшашига ҳалал берма. (Сулаймоннинг номига қўшилган «Шоҳ» сўзи унинг бувиси «Шоҳ Бегим Бадахший», «Мирза» сўзи эса отаси Вайс Хон-Мирза Мироншоҳий» га ишора қилиш учун ишлатилган эди). У иккимизга ҳам ўғилдек гап. (Саййид ўзи Юнус Хоннинг ўғлининг ўғли, Бобур қизининг ўғли, яъни иккови ҳам Юнусхонга невара, Сулаймон эса чевара эди.) Шундай қилганимиз маъкул. Йўқса мен бутун масъулиятни ворис (Сулаймон) га топшираман. «У ёғини ўзинг биласан». (Бунинг маъноси бундай эди: «Бадахшийлар ўз вилоятларини қайтариб олиш учун урушсалар, мен уларнинг томонида бўламан». Бобур Сулаймон билан Лаҳўргача бирга бориб гапининг шу маънода эканини яна ҳам ойдинлаштирган эди).

Бобурнинг бу Лаҳўр сафари ҳижрий 936 йилнинг бошидан охиригача тўлиқ бир йил давом этади. Лаҳўрга кетаётганда Сарҳинда Кеҳлурнинг ражаси (Бобурнинг) «хизматига ўтади» ва унга етита қирғий ҳамда беш ман<sup>1</sup> олтин тортиқ қилиб, ўз вилоятига ўзини ҳоқим этиб тайинлатиб олади.

Комрон Лаҳўрда ўзи барпо эттирган боғда отасини катта тантана билан кутиб олади ва унга таништириш учун маҳаллий ҳоқимларни бу ерга ҳозир қилади. (Мелодий 1529 йилнинг бошларида Мултонни унинг ихтиёрига берилган эди ва отаси ўзининг ерларига ташриф буюраётганини эшитиб) у Қандаҳордан Лаҳўрга келган эди. (Отасининг ўлиmidан кейин ўғай акаси Ҳумоюн билан жанг қилиб, у Лаҳўр ва Мултонни яна қўлга киритади.) Қобулдан Ҳиндол ҳам этиб келган эди. (У Сулаймонга Бадахшонни топширгандан сўнг Қобулга қайтиб келган бўлса керак). Отаси Лаҳўрдан жўнаб кетаётганда, қишнинг охирида у яна Қобулга қайтиб кетади. Кетаётганида унга иккита фил, тўртта от ва дуру жавоҳирлар қадалган камар ва ханжар инъом қилинади.

Лаҳўрдан Бобур мелодий 1529 йилнинг 4 март куни йўлга чиқади. Йўлда Сарҳинда этиб келганида Самананинг қозиси унга ражпут Мўҳар Мандҳар (Мандаҳир) нинг устидан арз қилади. еримга ҳужум қилиб, талон-тарош қилди, ўт қўйди ҳамда ўғлимни

<sup>1</sup> Ман — оғирлиқ ўлчови, тахминан 40 кг (тарж.).

Ўлдирди, дейди. Шу гапдан кейин Бобур Али Қули Ҳамадонийнинг уч минг отлиқ билан Карнал вилоятининг Кайтҳал парганасидаги<sup>1</sup> Мўҳаннинг қишлоғига юборади. Ҳамадоний у ерга эрта саҳарда етиб келади. Совуқ шу қадар кучли эдики, биронта одам камоннинг ипини тортиб таранг қилолмади (Туркий камоннинг ипи совуқда тош қотиб қолади). Кечаси қишлоқда тўй бўлиб ўтган эди. Мандҳарлар иссиқ уйларидан чиқиб, подшоҳ қўшинини шундай ўққа тутадикки, улар қочгани жой тона олмай қолади. Қанчадан-қанча одам nobуд бўлади. Бобур бу мағлубият ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти у ерга олти минг отлиқ ва бир неча фил билан Тарсам Баҳодур ва Навранг Бекни жўнатади. Бу қўшин тунда етиб келади. Яна ўшандай тўй тантанаси бўлаётган эди. Тонг отгач, шоҳ қўшини уч дастага бўлиниб, ҳамла бошлайди. Олдин бир даста гарб томондан ҳужумга ўтади. У Мандҳарларни чалғитиб икки кўс нарига кетидан эргаштириб олиб кетади. Бу орада иккинчи томондан Тарсам Баҳодур ҳужум бошлайди. У кўпдан-кўп мандҳарларни ўлдириб, қишлоққа ўт қўяди. Биринчи дастани таъқиб қилиб кетаётганлар тутунни кўрадию изига қайтади. Йўлда уларни қуршовга олинади. Эрак-аёл, бола-чақалардан иборат бир-икки минг чоғлиқ киши қўлга олинади. Талайгина одам nobуд бўлади. Мўҳанни белигача ерга кўмиб қўйиб, камондан ўқ отиб ўлдирилади. «Шулар ҳақидаги хабар подшоҳга жўнатилади».

Бобур шундан сўнг икки ойни Деҳлининг атрофида (Карналнинг Наркадида бўлса керак) шикор билан ўтказади.

Шу тўлиқ бир йил мобайнида у қандай давлат ишлари билан машғул бўлди, кимлар билан мулоқотда бўлди, мамлакат сиёсати қай аҳволда бўлди ва ҳоказо саволларга ҳеч қайси бир мавжуд манбада жавоб топилмайди. Фақат бир воқеа эслаб ўтилади, у ҳам бўлса шу йилнинг қайсидир бир пайти (Эҳтимол Лаҳўрдан қайтаётганда бўлса керак) да Кашмирга қўшин юборилганидир.

(Манбаларда) Бобурнинг Аграга қайтиб келганидан то вафоти-гача бўлган бир неча (эҳтимол тўрт-беш) ойдан иборат даврга оид бир қатор оилавий воқеалар тасвирланади. Шулардан энг муҳими Ҳумоюннинг касаллиги. Ҳумоюнни Самбҳалдаёқ қаттиқ безғак тутади. Уни Аграга олиб келинади. Онаси у билан Матҳура<sup>2</sup>да кўришади. Аграда Ҳумоюнни даволашга обдон ҳаракат қилинади, бироқ ҳақимлар иситмани тушира олмайдилар. (Шунда) Бобур қурбонлик қилиш кераклигини айтади. Қурбонлик сифатида Кўҳинур олимсини диний ишларга атаб юбориш<sup>3</sup> керак, деган маслаҳатлар берилади. Лекин Бобур биронтасининг гапига кирмайди. У бундай дейди: «Қанақа тош экан менинг ўғлимга тенг келадиган? Яхшиси шу қурбонликни ўзим берай». У Ҳумоюннинг ҳаёти эвазига ўз ҳаётини қурбон қилишга бир руҳоний иштирокида ошкочади. Шундан кейин Бобур Ҳумоюн ётган тўшак атрофини уч

<sup>1</sup> Паргана — вилоят (тарж.).

<sup>2</sup> Матҳура — Деҳли билан Агра оралиғидаги шаҳар (тарж.).

<sup>3</sup> «Бобурнома» ва «Юлдузли тунлар» да «гасаддуқ» сўзи ишлатилган. (тарж.).

марта айланади-да, илтижо қилади: «Эй парвардигор, агар жон эвазига жон бўлса, мен Бобурнинг жонини олгини Ҳумоюннинг жонини бахш этгил!». Шунда у танасида ҳарорат пайдо бўлганини сезади ва илтижоси ижобат бўлганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг «Мен ўзимга олдим, ўзимга олдим!» («Бардоштам, бардоштам!») деб қичқириб юборади. Гулбаданнинг айтишича, Бобур ўша кундан бошлаб касалга чалинади. Ҳумоюн эса соғайиб, саройга бориб ўтиради. Бир мунча вақтдан кейин у Самбҳалга қайтиб кетади.

Бобур икки-уч ой (бошқа манбаларда бир неча ҳафта) хаста бўлиб ётади. Гулбаданнинг ёзишича, Ҳумоюн соғайиб, кучга киргани сайин, Бобур сўлиб бораверган. Асабийлик, ўғлига қаттиқ қуйгани ва баданида дарҳол ҳарорат сезиб, «илтижом мустажоб бўлибди» деган қатъий бир ишонч унинг ҳаёт томирига тиг урган бўлса, ажаб эмас.

Ҳиндустон (Шимолий Ҳиндистон) ни забт этиш ишлари поёнига этиб бўлган эди. Ҳумоюн ва Комрон балогатга етган эди. Бобурнинг ғайриоддий саломатлиги ҳам иситманинг муттасил, узлуксиз хуружларига дош беролмай қолади. Ҳиндистоннинг об-ҳавоси билан ўйнашиб бўлмаслигини у идрок эта бошлайди. У Кобулга кетишни жуда-жуда хоҳларди. Ўрта Осиёни яна забт этиш орзуси ҳали бутунлай кўнгилдан кетмаган эди. Хўжа Қалонга у бундай деб ёзган эди: «Ҳозиргина у ёқдан мушк қовун келтирилган эди. ...қовунни сўйишга қўл урдиму юрагим бир орзуқиб кетди. Кўз ёшимни тийёлмадим». Аниқки, ватандан узоқда шу қадар ажойиб муваффақиятларга эришгандан кейин ҳам қувғинда юрганда бўладиган мана шу «орзиқиш» унга таскин бермас эди. Мақтубларидан ташқари кундалигида ва («Рампур» девонидаги баъзи) шеърларида унинг шу туйғуси аниқ намоён бўлади. У Кобулни марказга айлантирмоқчи эди. У ердан туриб шимолда Ўрта Осиё ва шарқда Ҳиндистонга кўз-қулоқ бўлиб турмоқчи эди. Кобул шаҳри холиса, яъни унинг эгаси битта, чунончи унга ҳеч қайсингиз кўз олайтирмангиз, деб уқтирар эди у ўғилларига ҳамиша. У ҳам авлодлари Чингизхон, Темур ва Абу Саидга ўхшаб салтанатни фарзандларига бўлиб бермоқчи эди. Самарқанд ва ҳоказоларни фатҳ этиб, Ҳумоюнга Бадахшондан у томонларни бериш ниятида эди. Комрон-ку ўзи шундай ҳам Қандаҳорда эди. Бадахшонни Сулаймонга бериб бўлган эди. Ҳиндустон эса «Бобур подшоҳнинг куёвига» эди. Ҳаётлигида унинг битта куёви бўлган: Маъсуманинг эри Муҳаммад Замон Мирза. «Табқоти Акбарий» да Саййид Меҳди Хўжанинг номи тилга олинган. Бироқ у Бобурнинг куёви эмас, синглисининг эри (ёзна) эди. Иккинчидан, она томондан ҳам, ота томондан ҳам руҳонийлар авлодига мансублиги исмидан яққол кўриниб турибди. Шунинг учун мазкур «куёв» нинг подшоҳ авлодидан эмаслиги аниқ ва ўзга авлоддан бўлгани туфайли билдирилган эътироз Хўжага эмас, Мирзага тегишлидир. Мирза Темурийлардан бўлса ҳам Мироншоҳий эмас, Бойқаро авлодидан (сўнгги вақил) эди. Иккала шоҳ авлодининг шажараси Темурдан кейин иккига ажралиб кетади. Унинг отаси Мироншоҳийларнинг юртини тортиб олган. Ҳиротда Бойқаро авлоди тамоман мағлубиятга учраганидан сўнг Бобур Муҳаммад

Замонни ўз ҳимоясига олган эди. Қуёв қилмаганида ҳам, барибир унинг олдидаги бурчини бажариши лозим эди. Бобурнинг шундай деб аҳд қилганини қуйидаги нарсадан билса бўлади: У мелодий 1529 йилнинг апрель ойида Муҳаммад Замон Мирзога шоҳона шамсия тортиқ қилади. Бунақа совғани у ҳеч кимга бермаган. Бунинг устига Маъсуманинг ўзи ҳам икки тарафдан Темурия эди. Бобур хотинларининг ичида унинг онаси (Маъсума Султон Бегим) гина Темурийлардан (Султон Аҳмад Мирзанинг қизи) эканлиги зикр этилган.

Ҳумоюннинг онаси Моҳимнинг кўнглида Ҳиндустонга «нақд» подшоҳлик («қачонлардир забт этилмоқчи бўлган») Самарқандга султонликдан аҳамиятлироқ туюлган бўлса керак. Замонга шоҳона шамсия тухфа қилинганини кўриб ҳамда ҳар хил машваратлардан дарак топиб, у Бобурнинг пиятидан огоҳ бўлади. Демак, подшоҳ Ҳумоюндан норози экан, деган хулосага келади Моҳим. (Ҳижрий 933 йилда Ҳумоюн Деҳли хазинасини бесўроқ қўлга киритиб олган эди). Моҳим мактуб ёзиб, ўглини чақиртириб олади. Ўғлим келса, подшоҳни кўндираман, деб хаёл қилган бўлса керак. У тўғри ўйлаган эди. Ҳумоюн бу ерда бўлмаганида Бобур эҳтимол, Ҳиндустонни куёвига топшириб, ўзи Лаҳўрданоқ Кобулга қайтиб кетган бўларди. Лекин Ҳумоюннинг касаллиги қилган ишни Моҳимнинг ҳеч қанақа режаси амалга оширолмас эди. Қурбонлик «қабул бўлганидан» сўнг аҳвол батамом ўзгарди-қолди. Энди Ҳумоюн «оллоҳ суйган» тахт вориси эди. Уни бу ерга тайинлашга тиш-тирноғи билан қарши бўлган Халифа ҳам энди унга Ҳиндустонни бериш тарафдори бўлиб қолган эди. Халифанинг қаршилиги ёки розилиги Бобур учун ҳар нарсадан устун турар эди. У саройда бош амалдоргина эмас, балки Бобурнинг шахсий табиби, ҳаммаша бирга бўладиган дўсти, ҳаммаслаги, ҳар ишда кўмакчиси ва жонажон кадрдони ҳам эди. Бобур бутун режаларини ўзгартиради. Ҳумоюнни бутун салтанатга «подшоҳликка» лойиқ кўрилади.

Бобур ўлими олдидан қизи Гулрангни Эсон Темур Султонга, Гулчехрани эса Тўхта Буга Султон Чиғатойга никоҳлаб беради. Ўлим тўшагида ётган подшоҳ кенжа ўғли Ҳиндолни кўришга зор-зор бўлади, бироқ Ҳиндол отаси вафот этган куннинг эртасига Кобулдан етиб келади. Муолажа наф қилмаётганини кўриб, Самбҳалдан Ҳумоюнни чақиртириб олинади. У отасининг ўлимидан тўрт кун бурун Аграга етиб келади. Ҳумоюн келган кунининг эртасига-ёқ Бобур сарой аъёнлари билан сўнгги келганини ўтказди.

Ўша кенгашда Ҳумоюнни «подшоҳ» деб эълон қилинади. Бобур ҳаммадан «менга қандай садоқат қилган бўлсангизлар, Ҳумоюнга ҳам худди шундай қилинглар», деб илтимос қилади. Бобурнинг сўнгги сўзлари мазмунини Абулфазл қуйидагича баён қилган: «оқилона маслаҳатлар ва юракни ўртаб юборадиган фармойишлар берилди. Саҳоватли, одил ва саҳий бўлиш, нимаикки ўйласа, нимаикки сўзласа ва нимаикки қилса парвардигорни рози қилиш, янглишганларнинг узрини қабул қилиш ва қилмишидан пушаймон гуноҳдорларни чин кўнғилдан авф этиш ҳамда меҳр-муҳаббат билан бегоналарни ҳам ўз яқинига айлантириш ҳақида (Ҳумоюнга) пайд-

насиҳатлар берилди. Шундан сўнг у киши (Бобур) мана бундай дедилар: «Сўнгги нафасим чикмай туриб айтадиган гапим шулки, бордию оға-иниларинг жазога лойиқ бўлса ҳам, уларга минбаъд жазо бера кўрмагил». Худди шу кўрсатмага амал қилиб, «Жаннат ошиён»<sup>1</sup> ҳазрат оға-иниларидан шунча жабр-жафо кўрсалар ҳам, уларга қарши бирон марта чора кўрмадилар».

Кенгаш ҳақида Гулбадан берган маълумот соддароқ ифода қилинган: «У киши бундай дедилар — неча йилдан бери тож-тахтни сенга топшириб, ўзим Зарафшон боғида ором олиш ниятида эдим. Оллоҳнинг марҳамати билан нимайки истаган бўлсам, барига эришдим. Биргина шу ниятимга етолмай қолдим. Энди хасталик мени батамом гирдобига олди. Сизларга айтадиган гапим шулки, менинг ўрнимга энди бу Ҳумоюнни тан олинглар. Бир тан, бир жон бўлиб шунга хизмат қилинглар. Оллоҳдан тилагим шулки, эй Оллоҳ, бу ҳам ўз қишиларига эзгулик, одамийлик, яхшилик кўрсатсин ва ҳамма билан тинч-тотув бўлсин. Энди, Ҳумоюн, сени, оға-иниларинг, ўзим ва сенинг барча яқинларингни Аллоҳга, ўзимни эса сенинг қўлингга топшираман».

Таваллуд тўнганнинг 48-йили ва тахтга ўтирганининг 36-йилида (ҳижрий ҳисоб билан мос равишда 50- ва 38-йиллар) душанба, жумодилавалнинг 5-куни, ҳижрий 937 йилда (1530 йилнинг 26 декабрида) Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ҳозий ўлим дарвозасида ҳозир бўлдилар. Қизи Гулбадан ёзади: «Ўша куни бола-чақа ва бизлар учунгина эмас, балки барча учун зим-зиё зулматга айланди».

Хўжа Калон марсия ёзди, Бадаюнӣ марсиянинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Э, воҳ, фалак гардиши айлансаю, сен бўлмасанг!

Ўзгарсаю осмон туси, сен бўлмасанг!

Э, воҳ, э воҳ, турсаю заминю осмон ўз ўрнида!

Тонг отиб, кеч кирсаю, сен бўлмасанг!

Бобур ҳозирги Тож Маҳал турган жойнинг рўпарасидаги Ором боққа дафн этилади. Хўжа Муҳаммад Али Осим мақбарага нозир қилиб тайинланади. Қуръон тушириш, беш вақт номоз адо этиб, марҳумнинг руҳи покига дуо-фотиҳа қилиб туриш учун спиралӣ овозли бир неча қори тайин этилади. Мақбарга қилинадиган сарф-харажатлар учун Секрийнинг жами тўпланган ва Байана (Биёна)-даги давлат даромадларидан беш юз мишг миқдоридаги бир йиллик пули вақф этилади. Моҳим яна икки ярим-уч йил умр кўради. У умрининг охиригача мақбара ходимлари учун кунда икки маҳал овқат юбориб туради.

«Мақбарам Қобулдаги «мен хуш кўрадиган боғда» усти очиқ қилиб қурилсин, унда на бир иморат ва на посбон бўлсун» деб васият қилган эди Бобур. Лекин унинг хоки Аградан Қобулга қачон

<sup>1</sup> Бобур вафотидан сўнг ўша давр қалам аҳли уни «Фирдавс макон», деб, Ҳумоюнни эса «Жаннат ошиён» деб улуғларди.

олиб келингани ҳалигача номаълум<sup>1</sup>. Комрон мелодий 1539 йилда Кобулда отасининг қабрини зиёрат қилгани маълум, холос. Бошқа бир манбадан англашганича, ҳок мелодий 1544 йилдан аввал Кобулга келтирилган, чунки ўша йили юз берган бир воқеада зикр қилинишича, «Бека Бегим» га нисбатан Комроннинг ҳурматсизлик қилганидан Кобулда Ҳумоюннинг жаҳли чиқиб айтадики, бу ахир «отаимзнинг хокини Кобулга олиб келган «Биби»-ку, дейди. Шу «Биби» уларнинг ўғай опаси Биби Муборика эди. Бобурнинг бева-лари Чавсадаги мағлубияти (мелодий 1539 йилнинг 7 июни) дан сўнг Ҳиндолнинг ҳимоясида Аградан Кобулга жўнайдилар. Биби Муборика Кобулдан Аграга бориб ҳокни олиб келган бўлиши мумкин. Шер Шоҳ эса шу сафар чоғида унинг хавфсизлигини таъминлашга сўз берган бўлса, эҳтимол.

Бобур ўз мақбараси учун Кобулда танлаган боғ Шоҳи Кобул тепалигининг ёнбошида жойлашган эди. Кобулдаги боғлар ичида шуниси энг чиройлиси эди. Памғон тоғларининг қор қоплаган чўққилари, Чордиҳ настекиелигининг ҳам хуш, ҳам нохуш кўринишлари ҳамда яланғоч қоя-харсанглардан иборат шикоргоҳнинг манзаралари бу ердан туриб тамошо қилишнинг гашти ўзгача бўлади. Қабрнинг бош томонида турган оқ мрамар тошдаги ёзувни Жаҳонгир ёздирган эди.

Бир пайтлар бир-бирига орқа-олди иккита шунақа тош турар эди ва ана шу иккала тошдаги ёзувни кўшиб ўқилгандагина тўлиқ маъно чиқарди. Ҳозир иккинчи тошнинг ўрнида қалайланган чирроғдон турипти. Қабрдаги ёзувнинг ярми ўша йўқолган тошда эди. Унинг нусхаси ҳеч қаердан топилмади...

Гулбадан Бобур хотин — бола-чақаларининг тўлиқ рўйхатини келтиради. Қуйида уларнинг исми-шарифларигина келтирилмоқда: Ойша Султон Бегимдан Фахруннисо туғилди, бироқ бир ойлигида нобуд бўлган; Зайнаб Султон Бегим фарзандсиз ўтган; Моҳим Бегимнинг беш боласидан фақат Ҳумоюн тирик қолган, тўртта фарзанди (Бербуд, Меҳржон, Эсон Давлат ва Фарруҳ) эса ёшлигида ўлиб кетган; Маъсума Султон Бегим тўнғичи Маъсумани туғатганида ҳаётдан кўз юмган; Гулруҳ Бегимдан Шоҳруҳ, Аҳмад, Гулзор, Комрон ва Аскарый туғилган, лекин сўнгги иккитасигина тирик қолган; Дилдор Бегимдан Гулранг, Гулчеҳра, Ҳиндол, Гулбадан ва Алвор туғилган. Алвор болалигида ўлиб кетган. «Афғони оғача» Биби Муборика Юсуфзай ҳам бефарзанд ўтган. Иккита канизак (Гулнор оғача ва Норгул оғача) ҳам ҳарамдан ўрин олган эди, бироқ уларнинг фарзанди бўлган-бўлмагани ҳақида Гулбадан ҳеч нарсга демайди.

#### И Л О В А:

Муҳаммад Амир Қазвинийнинг «Подшоҳнома» асарида Кобул ва унинг теварак-атрофида Бобур барпо қилдирган боғлар хусусида сўз юритилади. Унда қуйидаги ўнта боғнинг баёни келтирилади:

<sup>1</sup> Бу ҳақда турли муаллифлар турлича фикр билдиради. Жумладан, туркиялик тадқиқотчи Ф. Ф. Тулбенчининг айтишича, Бобурнинг жасади Кобулга олти ойдан кейин олиб келиб кўмилган (гарж.).

1. «Шаҳрор» — бу боққа Бобур ўтказган чинорлар Шоҳ Жаҳоннинг Кобулга биринчи бор келган чоғида гуркираб, ниҳоятда кўркем бўлиб турган. (1607 йилнинг май ойида Жаҳонгир шу боғда қапа тиктирган. Унинг айтишича, ушбу боғни Бобурнинг туғишган аммаси Шаҳри Бону Бегим барпо эттирган). 2. Чорбоғ. 3. Боғи Жиловхона. 4. Ўрта боғ. 5. Суврат боғ. 6. Боғи Моҳтоб. 7. Боғу Оҳухона ва яна учта кичикроқ-кичикроқ боғлар.

Бобурнинг мақбараси жойлашган боғни алоҳида таърифланади. «Унинг узунлиги беш юз газ. Ҳар биттасининг узунлиги 30 газдан келадиган ўн бешта саҳн — зинадан иборат бўлиб, ўн бешинчисида Бобурнинг невараси, Ҳиндолнинг қизи ва Акбарнинг биринчи хотини Руқийа Султон Бегимнинг мақбараси бор. Мақбаранинг ёнига Жаҳонгир мармар супа қурдирган эди. Шоҳ Жаҳон уни мақбарани ҳам қўшиб баландлиги уч газ келадиган мармар панжара билан ўраб қўйган эди.

Бобурнинг мақбараси ўн тўртинчи саҳнда жойлашган. Унинг устига ҳеч қандай иморат қурилмаган. Тўғри, битта пастдаги саҳнда Шоҳ Жаҳон мармардан масжид қурдирган. Узоқдан қараганда масжид гумбазли худди мақбара жойлашган саҳнда турганга ўхшайди. Масжид қурилиши Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг ўн еттинчи йили (мелодий 1643 й.) бошланиб Балх—Бадахшон ғалабасининг ўн тўққизинчи йили (мелодий 1645 й.) тугалланган. Тахминан ўттиз минг рупиялик сарф-харажат бўлган. Ниҳоятда чиройли қурилган.

Ўн иккинчи саҳнда дарахтлар орасидан ўн иккита ариқ оқиб ўтади. Лекин сув шаршара бўлиб оқиб тушадиган жойда тошлар яхши бириктирилмаган эди, шу сабабли уваланиб, хушук бўлиб бормоқда эди. Шунинг учун уларни бошқатдан ва мустаҳкам қилиб таъмирлансин, ҳар бир шаршаранинг тагига ҳовузчалар ишлансин ҳамда жами ариқ, шаршара ва ҳовузчаларни ишлашда Кобул мармаридан фойдаланилсин, деб Шоҳ Жаҳон фармойиш беради. Тўққизинчи саҳнда 11×11, ўнинчи саҳнда 15×15 ва боққа кираверишда ҳам 15×15 газли қилиб мармар ҳошияли ҳовуз қуришга амр қилинди. Яна қуйидаги фармон берилади: кираверишга шу ернинг маҳобатига мос келадиган бир арка солинсин, гумбазлари олтиндан бўлсин, арканинг ёнига бир қоровулхона қурилсин — боғ девори шу қоровулхонанинг бир девори бўлсин, қолган уч томонида ҳужралар бўлсин, ариқ суви шу қоровулхонанинг ичидан оқиб ўтсин, токи қорғарчилик-ёғингарчиликда бева-бечораларга бошпана бўлсин.



## БОБУР РУБОЙЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,  
Васлига етарга ихтиёрим йўқтур,  
Кимга очайин розки, йўқ маҳрами роз,  
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим йўқтур.

\* \* \*

Бу хаста қўнгул эрур васлинг била хуш,  
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.  
Ҳижрон ғами гарчи асру нохуштур, лек  
Фикринг била шодмен, хаёлинг била хуш.

\* \* \*

Ким, ёр анга илм толиби, илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Неча бу ғалак солғуси гурбатқа мени,  
Ҳар лаҳза тугангусиз маһаққатқа мени,  
Не чора қилай, нетайки, тегири гуё  
Меҳнатни манга яратти, меҳнатқа мени.

\* \* \*

Эй ёр, ҳазин кўнгулни ёд айламадинг,  
Меҳрингни кам айладинг, зиёд айламадинг,  
Ё менда гуноҳ бордур, унутдинг, ё сен,  
Оё не жиҳатдурурки ёд айламадинг.

\* \* \*

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълаға мен қулдурмен,  
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо тошқусидур,  
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо тошқусидур,  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо тошқусидур.

\* \* \*

Кўздин бериким ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур,  
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин борушимда ихтиёрим йўқтур.

\* \* \*

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин учадур уйқу, чу оқшом бўладур,  
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Борган сайи бу ортадур, ул кам бўладур.

*«...Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги тараққиёт юз берди».*

**Ж. НЕРУ**

## **БОБУРИЙЛАР ҚУРДИРГАН МЕЪМОРЧИЛИК ОБИДАЛАРИ**

Ҳиндистонни кўпинча очиқ ажойибхонага қийёсланади. Бу ўхшатишда муболага йўқ. Шимолда виқорли Ҳимолай тоғ тизмаларидан жанубда Ҳинд уммонигача, ғарбда Арабистон денгизидан Шарқда Бангал кўрфазигача бўлган бу улкан юрт заминида беҳисоб тарихий обидалар ўрин олган. Деҳлидаги Қутб минор, Эски қалъа, Амритсарда секҳларнинг Олтин ибодатхонаси, Жайпурдаги Ҳаво маҳал, Амбер қўрғони, Маҳабалипурамдаги қояларга бўрттирма қилиб ишланган манзаралар, Канчинурамдаги ҳинду ибодатхоналари, Кажураҳудаги севги ибодатхоналари, Пурийдаги Қуёш ибодатхонаси, будда дини билан боғлиқ ступалар ва яна қанчадан-қанча машҳур тарихий обидалар Ҳиндистоннинг кўркига кўрк қўшмоқда. Лекин мана шу тарихий обидалар ичида Бобур авлодлари қурдирган меъморчилик намуналари алоҳида ўрин тутади. Мана шулардан Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Қизил қалъа ансамбли, Жоме масжид, Аградаги қалъа, Тож маҳал, Фатҳпур Секрий шаҳри, Секандарадаги Акбаршоҳ мақбараси, Лаҳўрдаги қалъа, айниқса машҳурдир. Бобурийлар сулоласи расман салқан 3,5 аср (1526—1858 й.й.) давом этган, бироқ мазкур иншоотлар асосан дастлабки 1—1,5 аср мобайнида қурилган. Орадан шунча замонлар ўтган бўлишига қарамай бу обидалар ўз маҳобатию тароватини йўқотмаган, ҳали-ҳагуз кишиларнинг ақлини лол қолдириб келмоқда.

Қуйида ана шулар ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Бобур асос солган салтанат Ҳиндистон тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам энг катта ва қудратли салтанатлардан бирidir. Бобурийларнинг боғ-роғлар яратиш санъати ҳақидаги мулоҳазалар билан ўқувчи ушбу китобнинг биринчи бобида танишди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда иншоотлар, обидалар қурдирганми, деган савол туғилиши табиий, албатта. Маълумки, у Ҳиндистонда жуда оз муддат — атиги 4 йилу 8 ой (1526—1530) бўлган. Бегона юртнинг шарт-шароитларига ўрганиш, янги салтанатни мустаҳкамлаш Бобурдан катта куч-матонат ва вақт талаб қилган. Бироқ қаттиқ банд бўлишига қарамай Бобур қурилишлар билан ҳам шуғулланган. Унинг қурилишларида юзлаб кишилар меҳнат қилган. Бу ҳақда «Бобурнома» да қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «...Нечукким «Зафарнома» да Темурбекнинг «мас-

жиди сангин» иморатини қилурда Мулла Шариф мундоқ муболага била битибдуржим, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидан ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Ограинг сангтарошларидан менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дултурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди...».

Иморатлар қурдиришдан ташқари Бобур карвон йўлларини тиклашга уринган, ҳовуз, қудуқ ва ариқлар қаздириб, сув чиқарган, ҳаммомлар қурдирган. Сув тегирмонни ҳам Ҳиндистонда биринчи бўлиб Бобур қурдирган экан.

Бобурнинг вафотидан сўнг Ҳиндистон тахти, унинг васиятига кўра, ўгли Ҳумоюнга тегади. «Ҳумоюн» сўзи «бахт-саодатли» деган маънони билдиради, бироқ Ҳумоюннинг ҳаёти, ҳукмронлик қилган йилларини бахт-саодатли деб бўлмайди. Бу шахс чексиз азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Ички феодал низоларнинг ўсиб бориши, укаларининг мудом мустақилликка интилиши оқибатида салтанат заифлаша боради. Сурийлар сулоласидан бўлмиш Шершоқ бундан усталик билан фойдаланади ва 1540 йилда Ҳумоюни мағлубиятга учратиб, Ҳиндистон тахтини эгаллайди. Ҳумоюн чекинишга мажбур бўлади ва 15 йил бошқа юртларда юради. Укаси Комроннинг ҳузурига нажот истаб боради, бироқ ундан рад жавобини олади. Ҳумоюн Шершоқнинг ўлими (1545 й.) дан кейингина яна Ҳиндистонга қайтишга ҳаракат бошлайди ва ниҳоят, 1555 йилнинг июль ойида қайтадан тахтни эгаллайди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шунча азоб-уқубат, дарбадарликлардан кейин, тахтга эга бўлганда, ярим йил ўтар-ўтмас, 1556 йилнинг январь ойида тасодий ўлим тонади — кутубхонасининг зинасидан йиқилиб тушиб, оламдан ўтади. Ҳумоюн ҳам отасининг ёшида — 48 ёшда ҳаётдан кўз юмади.

Ҳумоюн катта-катта қурилишлар қилдирилмаган, бироқ меъморчиликда бир қадар ишларни амалга оширишга муваффақ бўлган. Чунончи, Жамна дарёси соҳилида «Дивпаноҳ» номи билан янги бир шаҳарга асос солган. Ҳиндистон тахтини иккинчи марта эгаллаганидан кейин Эски қалъада Шершоқ тугатолмай қолган ишларни ниҳоясига етказган, деган ривоят ҳам бор. Отаси даврида қурила бошлаган (1528—1929 й.й.) Жамолий — Камолий масжидини ҳам қуриб битказдирган ва ҳ. к.

Ҳумоюн чуқур билимли шахс бўлган, туркий ва форсийда назмлар битган. Унинг даврида Ҳиндистонда миниатюра мактаби юзага келган.

Ҳумоюн машҳур обидалар қурдирилмаган бўлса-да, унинг ўзига атаб қурдирилган мақбара ниҳоятда машҳурдир. Деҳлида жойлашган бу мақбара Ҳиндистонда Бобурийлар қурдирган биринчи катта ёдгорлик бўлиб, чорбоғ усулида қурилган.

Мазкур мақбарани Ҳумоюннинг вафотидан 9 йил (баъзи манбаларда кўрсатилишича 14 йил) кейин унинг Ҳожи Бегим номи билан танилган асли Бека Бегим исмли хотини қурдирган.

Хумоюннинг қабри мақбаранинг марказидан ўрн олган. Рағрофдаги хоналарда ва пастки қаватда Бобурийлар аилодларининг қабрлари жойлашган. Уларнинг умумий сони 150 га яқин. Хумоюннинг тўнғич хотини Бека Бегим, кенжа хотини Ҳамиди Бобу Бегим, Шоҳ Жаҳоннинг ўғли Доро Шукуҳ ҳамда Бобурийларнинг сўнгги вакилларидан Жаҳондор Шоҳ, Фарруҳ Сияр ва бошқаларнинг қабрлари шулар жумласидандир.

Бобурийлар сулоласининг энг сўнгги ҳукмдори Сирожиддин Баҳодир шоҳ II 1858 йилда инглизлар таъжибидан қочиб, икки ўғли билан шу мақбарадан паноҳ топади. Лекин инглиз армиясининг лейтенанти Ҳодзон уларни шу ерда ҳибсга олади. Иккала ўғли қатл этилади, шоҳнинг ўзини эса сипоҳийлар қўзғолонида иштирок этганликда айблаб, Рангунга сургун қилинади ва у ўша ёқларда хор-зорликда ўлиб кетади.

Салкам ярим аср ҳукмронлик қилган Акбаршоҳнинг куч-қудрати ва салоҳияти у қурдирган обидаларда тўла намён бўлган. Агра, Лаҳўр ва Оллоҳободдаги қалъалар ҳамда Фатҳпур Секрий шаҳри шундай обидалар жумласидандир.

Агра қалъаси (Қизил қалъа) Жамна дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Қалъанинг қурилиши 1565 йилда бошланиб, расман 1574 йилда тугатилган, бироқ кейинчалик Шоҳ Жаҳон ҳам бу қурилишга ўз ҳиссасини қўшган, унга бир қатор бинолар бунёд эттирилган.

Лаҳўр ва Оллоҳободдаги қалъаларнинг қурилишига ҳам Акбаршоҳнинг ўзи бошчилик қилган. Лаҳўр қалъаси 2 бўлимдан иборат — бирида шоҳ хонадони яшаган, иккинчисида эса бошқарув идоралари жойлашган. Ушбу қалъа Аградаги қалъага услуб жиҳатдан жуда ўхшаса-да, у шимол томондан деворларига ишланган манзарали тасвирлари билан жуда машҳурдир. Деворлардаги спорт ва ов манзаралари ниҳоятда жозибали чиққан. Ушбу тасвирларнинг қачон бунёд этилгани маълум эмас, лекин мутахассисларнинг таъминига кўра, ишланиш услубига қараганда суратлар қалъа қуриб битказилганидан анча кейин ишланган.

Оллоҳобод қалъаси мазкур уччала қалъа ичида энг маҳобатлисидир. Айтишларича, Акбар шу қалъани кўпроқ ёқтирган экан.

Акбаршоҳ қурдирган меъмортилик обидалари ичида энг сараси, шубҳасиз, Фатҳпур Секрий шаҳридир. Бу шаҳар Аградан ғарб томонда 38 км. масофада жойлашган. Фатҳпур Секрий Акбарнинг ўғли кўришни башорат қилган авлиё Салим Чиштиий шарафига қурдирилган. Бутун бошли бу шаҳар ақл бовар қилмас даражада тез — атиги 4 йилда қуриб битказилган ва пойтахт шу ерга кўчирилган. Лекин пойтахт бу ерда узоқ турмайди — бир неча йилдан сўнг сарой аҳли бу шаҳарни тарк этади. Ривоятларда бунинг сабаби ҳар хил кўрсатилади. Бирида айтилишича, Фатҳпур Секрийга сув чиқариш жуда қийин бўлган. Бошқа бир ривоятга кўра, Акбар ўз пири бўлган Салим Чиштиийнинг гани билан шундай қилган — сен бу ерда бўлсанг, ражпутлар сенга доим таҳдид солиб туради. Бу ердан нарироқ, Аграда бўлганинг тинч, деганмиш авлиё.

Ҳозирда «ўлик шаҳар» деб ном олган ва сайёҳларни ҳамшиша

ўзига жалб этиб келаётган бу шаҳар бир қатор муҳташам сарой ва бинолардан иборат. Акбарнинг қабулхонаси бўлмиш «Девони хос», Жўдҳа Бай саройи, Жоме масжид, Салим Чиптий мақбараси, Гужаратга қилинган юришда эришган зафар шарафига қурилган Баланд дарвоза ва ҳ. к. шулар жумласидандир.

Агра — Деҳли йўлида, Агра шаҳрининг яқинида яна бир маҳобалли обида қад кўтариб туради. Бу — Секандарадаги Акбаршоҳ мақбарасидир. Ушбу мақбара улкан боғ (тахминан 40 га) нинг ўртасида жойлашган. Боғнинг 4 тарафида 4 та улкан дарвоза. Дарвоза деб аталиши шартли равишда, аслида катта бир бинога тенг бўлиб, ҳар бирининг ўзи катта санъат асаридир.

Дарвозадан ичкарига кириб, кенг йўлқадан мақбара томон юрасиз. Икки томонингиз боғ. Шоҳдан-шоҳга сакраб юрган маймуллар, дарахт шоҳларида қўниб турган сон-саноксиз тўтиларнинг вижир-вижири, товусларнинг хиромон юриши, бир-бирини қувлаб, сакраб-сакраб юрган гўзал оҳулар кўнглингни ажиб ҳисларга тўлдириб юборади.

Мана, буюк шоҳнинг мақбарасига етиб келдингиз. Акбаршоҳнинг ўзи қанчалик буюк бўлган бўлса, унинг мақбараси ўз васиятига кўра, шунчалик оддий, мўъжаз. Мақбарани Акбар ўзи ҳаётлик чоғида қурдира бошлаган, бироқ ўлим бу ишни тугатишга имкон бермаган. Ўгли Жаҳонгир 1613 йилда мақбарани қуриб битказган. Мақбаранинг ташқи кўриниши каби ичи ҳам содда ишланган. Қабрнинг устига битта духоба чойшаб ташлаб қўйилган холос, ҳар қандай безақу нақшлардан холи.

Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлик қилган йиллар (1605—1627) да нафақат боғ-роғлар яратишга эътибор берилган, балки бир қатор меъморчилик намуналари ҳам бунёд этилган. У Лаҳўр қалъасига қўшимча бинолар қурдирган. Эътимод-уд-Давла мақбараси Жаҳонгирнинг бош вазири ва қайнатаси шарафига қурилган. Бу мақбара услуби Акбаршоҳнинг меъморчилик услуби билан Шоҳ Жаҳоннинг услуби ўртасидаги бир услуб деб ҳисобланади. Мақбарани «Эътимод-уд-Давла» (асли исми Мирза Ғиёс Бек) нинг қизи, Жаҳонгирнинг хотини Нур Жаҳон қурдирган. Мақбара Жамна дарёсининг қирғоғида жойлашган. У оқ мрамрдан ишланган бўлиб, ярим қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Агар Жаҳонгиршоҳ Бобур авлодлари ичида боғ-роғлар яратишда беназир, жаннатсифат боғлар бунёд эттирган улуг боғ ярагувчи бўлса, меъморчилик бобида унинг ўгли Шоҳ Жаҳонга тенг келадигани бўлмаган. У ҳукмронлик қилган йиллар (1628—1658) ҳақли равишда Бобурийлар санъати ва меъморчилигининг олтин даври ҳисобланади. Деҳлида у қурдирган муҳташам Қизил қалъа, Хиндистонда энг катта масжид ҳисобланган Жоме масжид ва бошқа иншоотлар ҳам аҳли жаҳон эътиборини ҳанузгача тортиб келмоқда.

Шоҳ Жаҳон 1638 йилда салтанат пойтахтини Аградан Деҳлига кўчиради ва Шоҳжаҳонобод (ҳозирги Эски Деҳли ҳудуди) шаҳрига асос солади. Шаҳар жадал суръатлар билан бунёд этилади ва 1649 йилда, яъни 11 йил деганда қуриб битказилади. Маҳаллалар, кенг

йўллар, масжидлар ва ўртасидан катта ариқ оқиб ўтадиган Чандний Човқ бозори шаҳарнинг кўрки бўлган. Қизил қалъада шох саройи жойлашган. Қалъанинг узунлиги тахминан 900 м, ени 550 м. бўлиб, айланаси 2,4 км. дир. Ҳамид ва Аҳмад исмии устодлар мазкур қалъанинг меъморлари ҳисобланади. Унинг ичида бир қатор ажойиб меъморчилик намуналари ўрин олган. Мумтоз маҳал, Ранг маҳал, Хос маҳал, Девони хос, ҳаммом, Марварид масжид ва ҳ. к. лар шулар жумласидандир. Девони хоснинг пештоқида қуйидаги машҳур ибора икки марта такрорлаб ёзиб қўйилган: «Агар ер юзида жаннат бўлса, у шу ердадир, шу ердадир, шу ердадир».

Худди шу «Девони хос» саройининг марказида бир пайтлар мармар шохсушада жаҳонга донғи кетган «Товус тахт» турган, лекин уни 1739 йилда Дехлига бостириб кирган Эрон шоҳи Подиршоҳ олиб кетган. Шоҳ Жаҳон ҳафтанинг ҳар куни ҳар хил тахтда ўтириб мамлакатни бошқарар экан. Ана шундай тахтлар ичида энг гўзали, қимматбахоси мана шу «Товус тахт» («Тахти товус») экан. Айтишларича, бу тахт 1628 йилда Шоҳ Жаҳоннинг салтанат тахтига ўтириши шарафига ясалган бўлиб, ривоятларга кўра, уни ясашга 7 йил вақту, 7 млн. руния нақд пул сарф бўлган экан!

«Девони хос» саройининг ўртасидан «Жаннат ариғи» («Наҳри биҳишт») ўтган бўлиб, бир замонлар ундан муаттар ҳиллар таратиб гулоб (гул суви) оқиб турган.

Шоҳ Жаҳон қурдирган мўъжизакор обидалар ичида энг сараси, дурдонаси, таърифига сўз ожизлик қиладигани сўзсиз, Тож Маҳал мақбараси ҳисобланади. Тож Маҳал — бобурийлар меъморчилиги санъатининг чўққисидир. У турли ўхшатишлар билан аталган. Масалан, «инсон қўли яратган ошпоқ муз тўғони», «гўзал аёл муҳиббати шаънига битилган тошдаги дoston», «мармарда акс этган орду» ва ҳ. к. Бу бетакрор мақбарага атаб сон-саноқсиз шеър-газаллар битилган. Мана, бағал шоири Назрул Ислоом шеъридан бир нарча:

Нигоҳ айла бу оқ Тож маҳалга  
бу олийшон қасрга,  
Дилбар Мумтозга атаб  
қурди уни Шоҳ Жаҳон.  
Сен маъбуда Лакшмийсан  
баҳор ва нур тангриси,  
Сен нафосату сукунат  
гул ва куй тангриси.

Тож Маҳал ҳақида жуда кўп ёзилган ва ёзилажак. У ҳақда олдий сайёҳдан тортиб, шу соҳа билимдонлари — мутахассислар, адибу шоирлар ва ҳатто давлат арбоблари ҳам тўлқинлашиб ёзилган. Ўзбек китобхони Тож Маҳал ҳақида анчагина нарса билади. Биз ҳам бу гўзал мақбара хусусида батафсилроқ сўз юритмоқчимиз. Мақсадимиз — ўқувчига у ҳақда бир қатор янги маълумотларни билдиришдир.

Мелодий 1631 йил. Шоҳ Жаҳон (болаликдаги исми Хуррам) тахтга ўтирганининг учинчи йили Марказий Ҳиндистон — Дакарда Хон



Жаҳон Лудийга зарба берип учун Бурҳонпур шаҳри яқинида қўшинини тайёрламоқда эди. Шоҳ Жаҳон рафиқаси Мумтоз Маҳалнинг ой-куни яқин бўлишига қарамай ҳарбий сафарда ҳамроҳ бўлишга ижозат берган эди. Ҳарамдан (табиийки, муваққат ҳарам) хабар олишга подшо бир одамини юборади. У қайтиб келиб, қиз тутилгани, чақалоқнинг аҳволи яхшилигини айтадию, Мумтоз Маҳал ҳақида индамайди. Подшо бундан хавотирга тушади ва иккинчи бир одамини юборади, лекин у қайтиб келмайди. Учинчи одами ҳам қайтиб келмайди. Вақт ярим тундан оққанда тоқати тоқ бўлган шоҳ энди ўзи ҳарамга кетмоқчи бўлиб турганда хабарчи келиб: «Малика тузуклар, фақат дармонлари йўқ. Эрталабгача бир-оз тиниқиб, сал қувватга кирсам, дедилар», дейди.

Бу хабардан подшонинг кўнгли таскин топадию ҳарамга эрталаб бораман, деб дам олгани ётади. Бир неча соатдан кейин, «маликанинг товлари бўлмай қолди» деган хабар билан уйғонади. У зудлик билан Мумтоз Маҳал ҳузурига етиб боради. Шоҳ Жаҳон келганда малика ўлим тўшагида ётар, атрофида канизақлар, табиблар қатор бўлиб турган эди. Подшо ичкарига кириб келиши биланоқ 2 кишидан бошқа ҳамма хонани тарж этади. Маликанинг энг суюкли канизаги Сотун-Нисо ва энг ишончли табиби Вазир Хонгина қолади. Табиб чақалоқ қориндалигидаёқ Малика унинг йиғлаган товущини эшитганини, бу эса яхшилиқни билдирмаслигини подшота секингина айтиб беради. Шоҳ Жаҳон хотини билан алчагача суҳбатлашиб ўтиради. Ривоятларга кўра, Мумтоз Маҳал ўлими олдида эрига қуйидаги 3 нарсани васият қилган: болаларга бирдай муносабатда бўлиш, уйланмаслик ва ниҳоят, унга атаб дунёда тенгсиз мақбара қурдириш.

Мумтоз Маҳалнинг асл исми Аржуманд Бону Бегим бўлиб, у бобурийлар саройининг бош вазири Асаф Хоннинг қизи, Нур Жаҳон (Жаҳонгиршоҳнинг хотини) нинг жияни бўлган. Аржуманд янги ҳисоб билан 1612 йилнинг 27 март куни шаҳзода Хуррамнинг никоҳига ўтади.

Аржуманд Бону Бегим шу қадар гўзал, оқила, дилдор ва тadbиркор аёл эканки, қайнатаси Жаҳонгиршоҳ уни ҳам иззат қилиб, ҳам эркалаб «Мумтоз Маҳал», яъни «Саройнинг сараси» деб атаган. Ўша пайтдаги сарой шоирларининг таърифига кўра «унинг ҳусни-жамолидан ҳатто ой ҳам уялар, жамолидан шунчалар нур таралар эканки, тўқнашишдан қўрқиб юлдузлар кўздан пинҳон бўларкан».

Аржуманд Бону билан Шоҳ Жаҳон 18 йил бирга турмуш кечиришади. Шу давр мобайнида Аржуманд Бону эрига сарой ишларида, давлат ишларида ҳам маслаҳатгўйи ва энг яқин ёрдамчиси, ўнг қўли бўлган.

Шоҳ Жаҳон суюкли рафиқасининг вафотидан сўнг унинг васиятини бекаму кўст бажо келтиради: имкон қадар фарзандларига бирдай яхши муносабатда бўлади, умрининг охиригача уйланмай ўтади.

Аржуманд Бону Бегим дастлаб Бурҳонпурнинг ўзида, Таптий

дарёсининг бўйига вақтинча дафн этилади. Ярим йилдан сўнг Агра яқинида Жамна дарёсининг соҳилидаги Акбарободга келтирилиб, қайта дафн этилади. Ниҳоят, учинчи марта ҳозирги жойи, яъни Тож Маҳал мақбарасига дафн этилади.

Ривоят қилинишича, Шоҳ Жаҳон хотинининг ўлиmidан ниҳоятда изтироб чекади. У салтанатдаги жамики кўнгилочар тадбирларни бекор қилади-да, ўз хонасига кириб, эшикни бекитиб олади. Шу бўйи 8 кунгача чиқмайди. Шу 8 кун мобайнида у туз ҳам тотмайди. Эшикни очиб, бир нима деб сўрашга сарой аҳлидан ҳеч кимнинг юраги бетламайд<sup>и</sup>, лекин эшик ёнига келиб, қулоқ солганлар шохнинг оқ тортишидан бўлак ҳеч нарсани эшитмаган.

Ниҳоят, 9-куни Шоҳ Жаҳон ичкаридан чиқиб келади. У шу қадар ўзгариб кетган эдики, кўрганлар таниёлмай қолад<sup>и</sup> — шоҳона либосни тарк этган, нақ қаландарнинг ўзгинаси бўлиб қолган эди. Бутун салтанат бир неча йилгача аза тутади: қўшиқ, рақсу мусиқа, зеб-зийнатлару ясан-тусанлар унутилади.

Шоҳ Жаҳон севиқли хотинининг асосий шартига, яъни дунёда тенги йўқ мақбара қуриш ишига жон-дили билан киришади. Турли ўлкалардан машҳур усталарни йиғади ва бўлажак мақбаранинг тарҳи муҳокама этилади, узоқ тапловдан сўнг бир тўхтамга келинади. Деярли бир йил тайёргарликдан сўнг Мумтоз Маҳал вафотининг бир йиллиги кунда мақбара пойдеворига тош қўйилади. Унинг андозаси Деҳлидаги Хумоюн мақбарасидан олинган. Услуби ўхшаш. Фарқи шундаки, Хумоюн мақбараси боғнинг ўртасида жойлашган бўлса, Тож маҳал боғнинг тўридадир.

Мақбара қурилиши 1632 йилда бошланади. Асосий қисми 1643 й. да қуриб битказилади, лекин тўлиқ қуриб битказилган йили деб 1653 йил ҳисобланади. Ушбу қурилишнинг кўламини шу нарсадан ҳам билса бўладики, у 22 йил давомида қурилган, доимо 20 минг киши банд бўлган. Кетган сарф-харажатлар ақл бовар қилмас даражада — турли манбаларда турлича кўрсатилган — 6 млн. дан 60 млн. рублигача. Бундан бошқа рақамлар ҳам келтирилади. Масалан, Абдул Ҳамид Лаҳўрийнинг «Подшоҳнома» сида мақбарага 5 млн. рублия сарфланган дейилса, бошқа бир манбада эса тийинтийинигача ҳисоб-китоб қилинган рақам келтирилади — 31 млн. 748 минг 28 рублия ёки 3 млн. 174 минг 802 фунт стерлинг. Бу ҳисоб-китоблар, табиийки, ўша замондаги нарх-наво асосида берилган.

«Тарихи Тож Маҳал» номли асарда айтилишича, қурилиш ашёлари турли-туман ўлкалардан келтирилган. Чунончи, сарғиш мармар Марказий Ҳиндистондан, оқ мармар Ражастаннинг Макрана деган жойидан, биллур Хитойдан, ёқут-лаъл Бадахшондан, ложувард Шри Ланка (Цейлон) дан, яшил тошлар Панжобдан, ақиқ Эрондан, маржон ва дурлар Ҳинд уммовидан келтирилган. Яна бир қатор қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ҳамда ашёлар бошқа ерлардан олиб келинган. Мақбарани безашга кўплаб миқдорда ёқут, садаф ва бриллиантлар ишлатилган.

Бу мўъжизалар мўъжизаси бўлмиш мақбаранинг меъмори ким бўлган деган савол туғилиши табиий, албатта. Тарихчиларнинг

айтишча, мақбара лойиҳасининг муаллифи Уста Муҳаммад Иса-хон Афанди бўлган. Бухоролик уста Ота Муҳаммад бош ҳайкалта-рошлик вазифасини бажарган.

«Тож Маҳал» лойиҳасини ким яратган, бош меъмор ким бўлган деган саволлар узоқ йиллар давомида баҳс-муҳоҳасага сабаб бўлиб келган. Тож Маҳалдай оламга машҳур меъморчилик обида-сининг меъмори наҳотки маълум бўлмаса, деган савол туғилиши мумкин. Савол ўринли. Ҳамма гап шундаки, ўша даврдаги биронта мўътабар тарихий ҳужжат ёки асарда фалончи меъмор «Тож Маҳал» нинг бош меъмори ёки лойиҳа муаллифи фалончи уста деб аниқ-таниқ ёзилмаган. «Акбарнома» асарини ёзган Абул Фазлдек буюк аллома ҳам Акбаршоҳнинг санъатга бўлган катта қизиқиши ҳақида ёзадию аммо бутун бошли Фатҳнур Секрийдек шаҳарнинг меъморлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Шу сабабли бу мақбаранинг «бош меъморлари» жуда кўпайиб кетган.

Бунақа етук санъат асарини Шарқда ҳеч ким яратишга қодир эмас, яратса фақат овруполиклар яратиши мумкин, деган «ғоя» пайдо бўлган. Шу ғоянинг патижаси ўлароқ италиялик Жеронимо Веронио ёки франциялик Август де Бордолар «муаллиф» га айла-нишган. Жеронимо Веронио ва Устод Исо аслида битта одам дегувчилар ҳам топилди.

Асримизнинг 30- йилларида Устод Аҳмад Лаҳўрий Тож Маҳал-нинг меъмори бўлган гап пайдо бўлди. Унинг отаси асли Ҳи-роғлик бўлган экан, Туркия, Мовароуннаҳрда бўлган, сўнгра Бобурнинг хизматида кирган экан. Кейинчалик Ҳиндистонга келиб, Лаҳўр шаҳрида истиқомат қилган ва шу ерда Аҳмад исмли ўғил кўрган. Аҳмад ҳам отаси каби меъмор бўлиб етишган ва Жаҳон-гиршоҳ, кейинчалик эса Шоҳ Жаҳоннинг хизматида бўлган. Шу меъмор Шоҳ Жаҳоннинг фармони билан «Нодир-ул-аср» деб атал-ган. Ҳинд олими Ҳ. И. Канварнинг фикрича, шу ном вақт ўтиши билан бузилиб талаффуз қилина бошлаган ва аввал Устод Аср, кейинчалик эса Устод Исога айланиб кетган. Аслида бу исм «Нодир-ул-аср», яъни бош меъмор Устод Аҳмад Лаҳўрийнинг лақабидир, деган хулосага келади мазкур тадқиқотчи.

Ҳиндистонда наир этилган бир асарда «Тож Маҳал» ни қуриш-да иштирок этган 40 қа яқин асосий усталарнинг номлари, қайси мамлакатдан экани, касби ва ойлик маошининг рўйхати келтири-лади. Биринчи ўринда лойиҳачи Муҳаммад Исо Афандининг номи келтирилган, туркиялик, маоши 1000 рупия; ундан кейин туркия-лик хаттот Саттор Хоннинг номи келтирилади, маоши 1000 рупия; учинчи ўринда самарқандлик лойиҳачи Муҳаммад Шариф, маоши 1000 рупия ва ҳ. к. Ҳиндистонлик, эронлик, арабистонлик, балхлик, бағдодлик, бухоролик, шомлик ва бошқа юрт ва шаҳарлардан кел-ган усталарнинг номлари ҳам келтирилган. Кўриниб турибдики, бош меъморни аниқлаш унчалик осон эмас.

Одамзот борки, бу гўзал обида яратувчиси ҳақида ҳар хил муно-заралар, турли-туман миш-мишлар бўлаверади. Лекин бир нарса аниқ. У мана салкам 3,5 асрдан бери кишиларнинг ақлини лол қолдириб келмоқда. Шундай улкан иншоотнинг бағоят мутаносиб-

лиги, ҳавода муаллақдай кўриниши, опшоқ мраммарнинг турли жи-  
лларда товланиши ҳақиқатан ҳам инсон ақли бовар қилмас дара-  
жада. Шоҳ Жаҳон ўзи Тож Маҳал ҳақида бундай деган экан: «Ер  
юзидаги одам боласи буни бунёд этишга қодир эмас, бунинг шакли-  
шамойили осмондан туширилгандир». Эдвард Лир деган инглиз  
арбоби эса қуйидаги гапни айтган: «Аҳли дунёни икки тоифага бў-  
лиш мумкин: биринчиси Тож Маҳални кўрганлар, иккинчиси —  
кўрмаганлар».

Ҳиндистонга чет элдан келадиган одам борки, ҳаммаси Тож Ма-  
ҳални кўрсам, дейди. Чет элликларнинг эмас, балки ҳиндларнинг  
ўзи ҳам бу гўзал мақбарани кўришга орзуманд.

Камина Ҳиндистонга ўқиш учун борганда ҳам, хизмат юзасидан  
ташриф буюрганда ҳам бу тентсиз обидани кўриш шарафига муяс-  
сар бўлганман — бир эмас, ўн мартабадан зиёд зиёрат қилганман  
бу мақбарани! Ҳар гал борганимда ўзим учун Тож Маҳал билан  
боғлиқ кичик-кичик кашфиётлар қилганман. Шулардан биттасини  
айтиб бермоқчиман.

Бир сафар сайёҳлар билан бирга мақбарани зиёрат қилгани  
бордик. Агра, хусусан, Тож Маҳал тарихини яхши биладиган Ис-  
лом Аҳмад исмли ҳинд сайрбон билан мақбара ҳақида мириқиб  
суҳбатлашяпмиз. Шунда у менга айтиб қолди: «Диққат билан  
қаранг-а, мақбара атрофидаги тўртта минорага, бир нима сездинг-  
ми?»

Мен бу минораларнинг баландлиги 42 м. дан эканини яхши би-  
ламан. Опшоқ мраммарданлиги кўриниб турибди. Яна нимаси бўлиши  
мумкин. Шунча тикилдиму, бирон-бир ажралиб турадиган, ўзигэ  
хос нарсани сезмадим. Шунда сайрбон менга деди: «Диққат билан  
тикилсангиз, ҳамма миноралар ташқари томонга хиёлгина оған.  
Биласизми нега шунақа қилинганини?» Менинг жавобимни қутиб  
ўтирмай ўзи жавоб бериб қўя қолди: «Бу шунинг учунки, мабодо  
бирон-бир офат юз берса, масалан, ер қимирласа, миноралар қула-  
ган тақдирда ҳам улар мақбаранинг устига қуламаслиги керак.  
Шунинг учун шундай қилмишган», деб гапини якунлади ҳинд сайр-  
бон.

Ушбу 4 та минорани 4 нафар канизакка, мақбарани эса 4 нафар  
канизак қуршовида турган гўзал маликага қиёс қилишади. Мақба-  
ра ҳаминша зиёратчилар билан гавжум, айниқса, жума кунлари  
одам сиғмай кетади. Жумада бутун Ҳиндистонда ислом ёдгорлик-  
ларига кириш бепаул бўлади.

Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлик қилган йилларда мақбарага  
катта зарар етказилган: Тож Маҳал деворларига ва сағаналарга  
қадалган олмос ва қимматбаҳо тошлар кўчириб олиб кетилган. Бу  
босқинчиликнинг «чаласи» ни Нодиршоҳнинг қўшинлари «тўлдир-  
ган». Бу ҳам майлику-я, Бикрам Гревалнинг ёзишича, инглиз лорд-  
ларидан Вильям Бентинг Тож Маҳални бузиб ташлаш «ғоя» сини  
таклиф қилган. Ҳайриятки, бу «ғоя» ўтмаган.

Шоҳ Жаҳон Тож Маҳалнинг рўпарасига, дарёнинг нариги соҳи-  
лига ўзи учун қора мраммардан худди шундай мақбара қурдирмоқчи  
бўлган ва оқ «Тож» билан қора «Тож» ни кумушдан ишланган му-

ҳаббат ва садоқат кўприги билан тутантирмоқчи бўлган. Янги қора «Тож» нинг пойдеворини қуриш бошланган ҳам, бироқ шаҳаншоҳнинг бу орзуси рўёбга чиқмай қолган. Унинг ўғри Аврангзеб, тахт учун курашда ака-укаларини енгиб, отасининг тахтини эгаллайди ва уни Агра қалъасида ҳибсда сақлайди. Аврангзеб тахтни эгаллагандан кейин Шоҳ Жаҳон яна саккиз йил умр кўради. У ҳаётининг сўнгги дамларигача эртадан кечгача ўзи яратган дурдона — севиқли рафиқасининг мақбарасидан кўзини узмай ўтиради ва 1666 йилда меҳрибон ва суюкли қизи Жаҳоноронинг қўлида жон беради. Шу йилнинг 3 февраль куни Шоҳ Жаҳон қуриш насиб этмаган қора «Тож» га эмас, балки оқ «Тож» га, хотинининг ёнига дафн этилади.

Мақбара кўн қаватли. Ичкарига кирган киши дастлаб юқори қаватга қиради. Залнинг ўртасида 2 та ёнма-ён сағана. Марказдаги, кичикроғи Мумтоз Маҳалники, чап томондагиси, каттароғи эса Шоҳ Жаҳонники. Ҳақиқий қабрлар эса, шу сағаналарнинг айнан остида, қоронги ертўлада бўлиб, у ерга ҳам шу залнинг ўзидан кенггина зинадан тушилади. Иккала сағана олдида доимо шамчи-роқ ёқиғлиқ туради.

Шу иккала сағананинг атрофи антиқа мармар панжара-парда билан ўралган. Унга ишланган безак-нақшлар шу қадар ғусункорки, кўрган кишининг ақли шошиб қолади. Унинг хусусияти шундан иборатки, панжара ахлит мармар бўлақлардан ўйиб ишланган. Мақбаранинг ичи 8 бурчакли кенг хона бўлгани сабабли панжара-парда ҳам унга мос равишда 8 бурчакли қилиб ишланган. Унинг ҳошияларига ниҳоятда нафис гуллар ўйиб ишланган ва уларга қимматбаҳо тошлар қадалган. Шунини айтиш керакки, панжара ва сағанага ишланган гулларни безашда 60 хил қимматбаҳо ва ярим-қимматбаҳо тошлардан фойдаланилган.

Бу панжарани ясашга 10 йил кетган экан! Айтишларича, у дастлаб соф олтиндан ишланган бўлиб, вазни 420 кг бўлган ва қимматбаҳо тошлар қадалган экан. Баъзи маълумотларга қараганда, Шоҳ Жаҳоннинг вафоти (1666 й.) дан кейин, баъзи маълумотларга қараганда эса, ундан олдинроқ (1643 й.) бу олтин панжара олиб ташланиб, ўрнига мармар панжара ўрнатилган.

Мумтоз Маҳал сағанасининг устига ва ёнларига уста хаттотлар томонидан Қуръони Каримдан оятлар ёзилган ҳамда нафис гуллар тасвирлари билан безатилган. Шоҳ Жаҳоннинг сағанаси сал бошқачароқ — унинг ён-атрофига оятлар ёзилмаган, балки бир-биридан антиқа гул шакллари ишланган.

Ушбу мақбара Мумтоз Маҳалга атаб қурилган бўлса, нега Мумтоз Маҳал деб эмас, балки Тож Маҳал деб аталади, деган савол туғилиши мумкин. «Мумтоз Маҳал» нинг маъноси «Саройнинг сараси» лигини юқорида айтиб ўтган эдик. Баъзи мутахассислар «Саройнинг сараси» дегани «Саройнинг тожи», яъни «Тож Маҳал» деган маънони беради дейишса, баъзилари бу номнинг келиб чиқишини бошқачароқ изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, «Тож» сўзи «Мумтоз» сўзининг ўзидан олиниб, яъни ушбу сўзнинг биринчи

бўғини (Мум) вақт ўтиши билан тушиб қолган ва «з» билан «ж»-нинг алмашилиб келиши мумкинлигидан сўз охиридаги «з» товуши «ж» га айланган ҳамда «Мумтоз» сўзи «Тож» бўлиб қолган.

Ҳиндистон ҳукумати мазкур дурдонанинг сақланишига катта эътибор бериб келмоқда. Кейинги вақтда Агра шаҳри атрофида саноат корхоналарининг жадал ривожланиши билан атроф-муҳит кескин ифлосланди. Унинг Тож Маҳалга салбий таъсир кўрсатиши жамоатчилиқни ташвишга солиб қўйди. Чунончи, мақбаранинг оп-поқ мрамори сарғиш тус ола бошлади, унинг йўлкалари ва бошқа жойларда ишлатилган қизғиш тош кўчиб, дарз кета бошлади.

Ҳиндистоннинг фаҳри бўлмиш бу мақбарани сақлаб қолиш учун бутун чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, ҳукумат шу мақсадда махсус комиссия тузди ва унинг кўрсатмалари асосида бир қатор ишлар амалга оширилди — Тож Маҳал атрофидаги 250 га яқин майда қуйиш устахоналари ва цехларини бошқа ёққа кўчиришга қарор қилинди. Ўрнида қолганлари эса кўмир ўрнига газ ва электр энергиясидан фойдаланишга мажбур. Уттар—Прадеш штатининг қарорига биноан, Агра шаҳрида кўмирда ишлайдиган 2 та иссиқлик электр станцияси ёниб қўйилди. Тож Маҳал яқинидан ўтадиган темир йўлларда паровозлар ўрнига дизель локомотивлар юрадиган бўлди, мақбарадан 500 м. атрофдаги жамики автомобиль ва автобуслар турадиган жойлар анча узоқлаштирилди ва ҳ. к. Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган мақсад битта — жаҳон меъморчилигининг дурдонасини яна асрлар давомида сақлаш, миллион-миллион кишиларни ундан баҳраманд қилишдир.

1992 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раҳбарлари билан бўлган учрашувда Ҳиндистон Республикасининг Президенти Шанкар Дайал Шарма жаноблари ушбу мақолада тилга олинган обидалар ҳақида бундай деган эди: «...Аждодларингиз — бобурийлар томонидан яратилган бетакрор меъморчилик санъати асарлари эса маданиятимиз фаҳрига айланиб қолган...».

Тўғри ва ҳаққоний баҳо! Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур обидалар билан биз ҳам ҳақли равишда фахрланамиз.

Жумҳурият ўқув-услуг идораси

«Меҳнат» нашриёти

АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ  
(муаллиф ва таржимон)

**БОБУРИЙЛАР МЕРОСИ**

Рассом *Т. Саъдуллаев*  
Техник муҳаррир *Т. Мирқосимов*  
Мусаҳҳиҳа *М. Саидбоева*

Босмаҳонага 14.12.92 й. берилди. Босишга 07.01.93 й. рухсат этилди. Бичими 60×90<sup>1/16</sup>.  
Босма тобоқ. л. 4,0. 3,000 нусхада. Буюртма № 407. Баҳоси шартнома бўйича

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси, Тошкент, «Китоб» нашриёт матбаа  
бирлашмасининг 3-босмаҳонасида босилди. Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1.

